

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ



**ТАБИЙ ФАНЛАР ФАКУЛТЕТИ
БИОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ**

**ҲАЙВОНЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ
фанидан ўқув - услугбий мажмуа**

ГУЛИСТОН - 2018

Ўқув-услубий мажмуа Гулистан давлат университети Илмий кенгаши томонидан 2018 йилнинг “___” -сонли қарори билан тасдиқланган “Ҳайвонлар селексияси” фанининг намунавий дастури талаблари асосида тайёрланган.

Тузувчи: “Биология” кафедраси доценти, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент Т.Турдикулов.

Тақризчилар: Биология фанлари доктори, профессор С.Дадаев (ГулДУ);

Сирдарё вилоят Қишлоқ хўжалик бошқармаси Чорвачилик, паррандачилик ва балиқчилик бўлими бошлиғи Р.Неметов

Ўқув-услубий мажмуа Гулистан давлат университети Ўқув-услубий Кенгашининг 2018 йил “___” “___” сонли мажлисида тасдиқланган.

М У Н Д А Р И Ж А

I. Ўқув материаллари.....	4
I.1. Маъruzалар курси.....	4
I.2. Амалий –машғулотларни бажариш буйича услугий кўрсатмалар.....	28
II. Мустақил таълим буйича материаллар.....	56
III. Глоссарий.....	75
Иловалар:	
Фан дастури.....	77
Ишчи фан дастури.....	83
Тарқатма материаллар.....	96
Тестлар.....	121

I. ЎҚУВ МАТЕРИАЛЛАРИ

I.1. Маъruzалар курси Мавзу № 1 Ҳайвонлар селексияси фанига кириш

Мавзу бўйича асосий саволлар:

1. Ҳайвонлар селексияси фанининг мақсади ва вазифалари.
2. Ҳайвонлар селексиясининг ривожланиш тарихи ва бошқа фанлар билан бағлиқлиги
3. Ҳайвонлар селексиясида қўлланиладиган усууллар

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар: зот, дурагайлаш, уришиши, танлаш, саралаш, гетерозис, биотехнология.

1-саволнинг баёни. Ҳайвонлар селекцияси фанининг **асосий мақсади** – ҳозирги кунда мавжуд бўлган ҳайвон зотларини сифат жиҳатдан яхшилаш ва замонавий, саноат асосидаги чорвачилик технологиясига мос келадиган янги, сермаҳсул зотларни яратишдан иборат.

Ҳозирги кунда ҳайвонлар селекцияси фанининг олдида турган **асосий вазифаларига** чорвачиликни ривожлантириш учун замон талабларига жавоб бера оладиган селексия ишларининг янги, такомиллашган шакл ва усуулларини ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун:

1. Ҳайвонларни комплекс белгилари асосида танлаш ва бир-бирига ҳар томонлама мос келадиган урғочи ва эркак ҳайвонларни саралаш (жуфтлаш);
2. Ёш молларни мақсадли тарзда парваришлаш, катта ёшдаги ҳайвонлардан рационал равишида фойдаланиш;
3. Селекцион объектнинг биохилма-хиллигини ўрганиш;
4. Ирсий ўзгарувчанлик қонуниятларини таҳлил қилиш;
5. Ҳайвонлар фенотипининг ривожланишига ички ва ташқи муҳит омилларининг таъсирини ўрганиш талаб етилади.

Ҳайвонларда селекция-наслчилик ишларини ривожлантириш кўп жиҳатдан чорва моллари ва паррандалар маҳсулдорлигига боғлиқ бўлганлиги учун, аввало, селекция-наслчилик ишларини жадаллаштириш, янги сермаҳсул зот ва группалар яратиш, мавжуд зотларни такомиллаштириш, дурагайлаш ишларини кенгайтириш, саноат асосида чатиштириш тадбирларини кенг қўллаш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Фанни ривожлантириш кўп жиҳатдан фан янгиликлари, амалиётдаги илгорлар тажрибаси, янги техника ва технологияга боғлиқ.

Ҳайвонлар селексиясининг ўсимликлар селекциясига нисбатан қатор ўзига хос хусусиятлирига ега. Биринчидан, ҳайвонлар учун асосан жинсий кўпайиш характеристидир, шунинг учун ҳар қандай зот, бу мураккаб гетерозиготали тизим маҳсули ҳисобланади. Иккинчидан, кўпчилик ҳайвон турларида жинсий етилиши жуда кеч кузатилади, бир неча йиллардан сўнг авлодлар алмашинуви содир бўлади. Учинчидан, насл бериш миқдори оз.

Мұхокама учун саволлар.

1. Ҳайвонлар селексияси маҳсус курси нимани ўрганади?
2. Ҳайвонлар селексияси маҳсус курсининг асосий мақсади нималардан иборат?
3. Ҳайвонлар селексияси маҳсус курсининг асосий вазифаси нималардан иборат?

2-саволнинг баёни. Ҳайвонлар селекциясининг ривожланиш тарихи ва бошқа фанлар билан бағлиқлиги.

Ҳайвонлар селексияси фанининг ривожланиши инсониятнинг моддий ривожланиши ва жамият тараққиётининг иқтисодий шароитлари билан бевосита боғлиқдир.

Чорвачилик, шу жумладан ҳайвонлар селексиясидаги дастлабки қадам янги тош асридан, яъни ҳайвонларни қўлга ўргатишдан бошланади. Шу даврда табиий яйловларга бой бўлган ҳудудларда (Дон, Днепр, Сирдарё ҳавзаларида) чўпон қабилалари пайдо бўлиб, улар асосан ҳайвонларни кўпайтириш билан машғул бўлган.


Кулдорлик тузимининг вужудга келиши йилқичилик ва майин жунли қўйчиликнинг ривожланишига олиб келди. Қадимги Тоғли Олтой йилқичиликнинг икки типи: оддий паст бўйли ва чопқир типларини кўпайтира бошладилар. Йилқилар асосан ҳарбий мақсадларда ва оғир ишлар учун фойдаланаар эди.

Кулдорлик тузуми даврида ҳайвонларни тана тузилишига қараб баҳолаш тўғрисидаги тасвурга ега бўла бошланди. Рус давлатидаги славян-чорвадорлар Хоразм давлати билан наслли молларни олди-сотти ишларини юргиза бошладилар. Лекин бу даврда, ҳали зот тўғрисидаги тушунчага эга эмасдилар. Гибридизация (дурагайлаш) ҳам маълум эди. Ҳангى эшакларни бия билан чатиштириб хачир олинар эди.

Феодал тузуми даврида ҳам чорвачилик унчалик тез ривожлана олмади. Чунки хўжаликнинг тарқоқ ҳолда яшashi, қабила ва давлатлар ўртасидаги кўпсонли урушлар, саводсизлик каби иллатлар чорва молларини урчитиш усулларини такомиллаштиришга йўл бермас эди. Янги ҳайвон зотларини яратиш ниҳоятда секинлик билан, фақат айрим давлатлардагина кўзга ташланар эди. Маданий турмуш даражаси анча юқори бўлган Шарқ давлатларида отларнинг **ахал-текин** ва **араб зотлари** яратилди. Араб чорвадорлари томонидан ҳайвонларни ташқи тузилишига кўра танлаш ва саралаш билан чегараланиб қолмай, келиб чиқишига кўра ҳам баҳолашга эътибор бера бошладилар.



1- расм. Ахал-текин зоти



2- расм. Араби зотли айғир

Испанияда майин жунли қўйчилик ривожлана бошлади. Бозорларда майин жун асосий савдо-сотиқ маҳсулотига айлана бошлади, бу еса жун сифатини ошириш бўйича наслчилик ишларини олиб боришга тўртки бўлди. Феодаллик даврида чўчқачилик ва паррандачилик соҳалари ҳам ривожлана бошлади.

ВИ-ИХ асрларда қадимги Рус давлатида славянлар йилқичилик ва қорамолчиликни ривожлантиришда сезиларли муваффақиятларга эришдилар. Бу ерда давлат йилқичилик заводлари ташкил этилди, холмогор зотли қорамолларнинг наслдорлик сифатини яхшилашга ҳаракат қилинди.

Феодал тузуми ўрнига капитализмнинг алмашиниши қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириб юборди. Саноатнинг ривожланиши, шаҳар аҳолисининг ўсиши, савдо-сотиқнинг кенг авж олиши, озиқ-овқат ва хой-ашёга бўлган талаб ва еҳтиёжнинг ортиши чорвачилик ва ҳайвонлар селекциясининг ривожланишига қулай шароит яратди. Капитализм даврига келиб, биргина ХВИИ асрда 100 дан ортиқ ҳайвон зотлари (қорамол, қўй, чўчқа, от, парранда) яратилди. Англиялик чорвадорлар Р.Беквелл, Ч.Коллинг, И.Тулей дунёга машҳур бўлган шортгорн, герефорд қорамол зотларини, йирик оқ чўчқа зоти, инглиз чопқир от зотларини яратдилар. Янги зот яратиш билан бир қаторда ҳайвонлар маҳсулот тури бўйича ҳам ихтисослаштирила бошлади.

Ҳайвон зотлари яратиш Россия, Ўрта Осиё ва Болқон давлатларида ҳам ривожлана бошлади. ХВИИ асрда Россияда Орлов йўртоқи от зоти, Болқон давлатларида – цигай қўй зоти яратилди.

XVIII-XIX асрга келиб ҳайвонлар селексияси устидаги наслчилик ишлари гуркираб ривожлана бошлади. Жуда кўп давлатларда отчилик заводлари, қорамолчилик, қўйчилик ва чўчқачиликда ихтисослаштирилган наслчилик хўжаликлари ташкил этила бошлади. 1773 йилда Англияда отларнинг биринчи наслли китоби чиқди, кейинчалик бошқа давлатларда ҳам ҳар хил турдаги ҳайвонларнинг наслли китоби яратила бошлади.

Қўйларни бонитировка қилиш, еркак ҳайвонларни авлодининг сифатига кўра баҳолаш юритила бошлади. Шу даврга келиб молларни серсутлик ва серқаймоқлик кўрсаткичларини назорат қилиб бориш, наслли моллар кўргазмаси ва кимошди савдоси, отларни ипподромларда синаш тадбирлари ўтказила бошлади.

Чорвадор-селексиячиларнинг катта амалий ютуқлари асосида танлаш ва саралаш, ҳайвонларнинг маҳсулдорлик ва наслдорлик сифатини яхшилаш усувлари ишлаб чиқилди.

Ҳайвонлар селексиясининг ривожланишига катта ҳисса қўшган дунё олимлари қаторига К.Буржелия (1712-1779)- екстерер таълимоти асосчиси, Ж.Бюффон (1703-1788)- чатиштириш асосларини ишлаб чиқсан, Юстинус, Г.Набузиус, Зеттегас ва бошқаларни келтириш мумкин.

Рус олимларидан М.И.Ливановнинг (1711-1800) сутчилик йўналишидаги қорамол зотларини кўпайтириш ва наслини яхшилаш, майнин жунли кўйчиликни кўпайтириш, қон-қариндошли урчишишнинг аҳамияти, еркак ҳайвонларни наслининг сифатига кўра баҳолаш, ташқи муҳит омилларининг ҳайвон зотлари сифатига таъсири каби илмий ишлари чоп етилди.

XIX-XX асрларда ҳайвонлар селексиясининг ривожланишига ўзининг илмий ишлари билан катта ҳисса қўшган олимлардан А.А.Малигонов, П.Н.Кулешов, М.Ф.Иванов, У.Ф.Лискун, Д.А.Кисловскийни кўрсатиш мумкин.

Ҳайвонлар селексияси фани бир қанча биологик (анатомия, физиология, гистология, индивидуал ривожланиш биологияси, биокимё, биотехнология, генетика ва селексия) фанлар билан узвий боғланган.

Муҳокама учун саволлар:

1. Чорвачилик, ш.ж. ҳайвонлар селекцияси бўйича дастлабки қадамлар қачон ташланган еди?
2. Кулдорлик тузуми давридаги ҳайвонлар селекцияси бўйича қандай ишлар олиб борилди?
3. Феодализм даврида ҳайвонлар селекциясининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омилларни кўрсатинг?
4. Капитализм даврида ҳайвонлар селекциясининг ривожланишига қандай омиллар турткни бўлди?
5. Капитализм даврида қанча ва қандай ҳай вон зотлари яратилди?
6. Ҳайвонлар селекциясининг ривожланишига ҳисса қўйиган олимларга мисол келтиринг

З-саволнинг баёни. Ҳайвонлар селексиясида қўлланиладиган усувлар.

Ҳайвонлар селексиясида қўлланиладиган асосий усувлар қаторига танлаш ва дурагайлаш усувларини киритиш мумкин.

Ҳайвонларни хонакилаштириш жараёнига 10 минг йилдан кўпроқ вақт бўлди. Дастлаб онгиз, кейинчалик еса, ташқи муҳит шароити ва инсон учун керак бўлган маълум мақсадларни ҳисобга олган ҳолда ҳайвонлар устида танлаш ишларини олиб бора бошлади. Ҳозиги кунда ҳайвонларни танлаш екстерери (ташқи тузилиши ва тана қисмларининг ўлчови асосида), интерери(қон ва лимфа системасининг кимёвий таркиби, нафас тизимининг физиологик ва биокимёвий кўрсаткичлари асосида), келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва авлодининг сифат кўрсаткичлари бўйича олиб борилади.

Дурагайлаш ва индивидуал танлаш ҳайвонлар селекциясида қўлланиладиган асосий усуллардан ҳисобланади. Ҳайвонлардан олинадиган насл миқдорининг нисбатан кам сонлилигини еътиборга олиб, ялпи танлаш усули амалда жуда кам қўлланилади.

Ҳайвонлар селекциясида дурагайлашнинг икки хил тури: қон-қариндошли (**инбридинг**) ва қариндош бўлмаган (**аутбридинг**) усуллари қўлланилади.


Яқин қариндош бўлган вакилларни ўзаро жуфтлаштириш кейинги авлодларда гомозиготалик ҳолатининг ортиб кетишига ва, аксарият ҳолларда наслнинг майиб-мажруҳ тугилишига сабаб бўлади. Шунга қарамасдан, айrim ҳолатларда (ноёб белги ва хусусиятларни сақлаб қолиш, мустаҳкамлаш ва ривожлантириш) қон-қариндошли чатиштириш усулидан ҳайвонлар селекцияси амалиётида фойдаланилади. Инбридинг депрессиясининг салбий оқибатларидан халос бўлиш мақсадида бошқа линия ёки зот вакиллари билан чатиштириш усулларидан фойдаланилади. Шундай йўл билан таниқли селекциячи олим М.Ф.Иванов томонидан сермаҳсул украина оқ чўл зотли чўчқа ва Аскания рамбулеси номли майин жунли қўй зотлари ва бошқалар яратилди.

Ҳайвонлар селекциясининг муҳим йўналишларидан бири гетерозислик хусусиятидан фойдаланиш ҳисобланади. Хусусан бу йўналиш паррандачилиқда бройлер жўжалари етиштиришда кенг қўлланилади.

Полиплоидия усули ҳайвонлар селекцияси амалиётида деярли қўлланилмайди. Бу усулга мисол тариқасида генетик В.Л.Астауров томонидан яратилган ва партеногенез йўл билан кўпаювчи полиплоидли тут ипак қурти дурагайларини мисол келтириш мумкин.

Турлараро дурагайлаш натижасида олинган хачир (ҳанги х бия), нортуя (бир ўркачли ва икки ўркачли түяларни ўзаро чатитирилишидан олинган дурагай авлод), қўтос ва қорамолларни ўзаро чатиштирилиши натижасида олинган дурагай авлодлар инсонлар томонидан қадимдан амалиётда фойдаланиб келинмоқда. Бу дурагайлар ўзларининг ота-оналарига нисбатан юқори ишchanлик ва чидамлилик хусусиятига ега. Уларнинг бирдан-бир камчиликлари- бепуштлик ҳисобланади. Айrim ҳолатларда хонакилаштирилган ҳайвонларни ёввойи аждодлари билан дурагайлаш натижасида насл бериш қобилиятига ега бўлган дурагай авлодлар олишга ҳам еришилган ва улардан селекция ишларида фойдаланиш мумкин. Масалан, майин жунли меринос қўйларини ёввойи қўчқор-архар билан чатиштирилиши натижасида майин жунли архаромеринос қўй зотлари яратилган бўлиб, уларни йил давомида баланд тоғли яйловларда боқиб ўтлатиш мумкин. Қорамолларни зебу билан чатиштириш натижасида ҳам бебаҳо сут йўналишидаги дурагай авлодлар олинган.

Ҳайвонлар селекциясида қўлланилаётган янги усулларга хужайра ва ген инженерлиги усулларини киритиш мумкин(3-расм).



3-расм. Ген инженерлиги усулида трансген ҳайвон олиш.

1997 йилда Англиялик олимлар томонидан қўйларни генетик клонлаштириш бўйича олиб борилган эксперимент натижалари муваффақиятли яқунланди. Бунинг учун қўйнинг сут безидаги соматик ҳужайралардан фойдаланилди. Тухум ҳужайрасидаги ядро олиб ташланиб, унинг ўрнига сут бези соматик ҳужайрасининг ядроси киритилди. Ҳосил бўлган диплоидли зигота електрошок таъсири натижасида ядро бўлинишининг морула босқичида бошқа (реципиент) қўй бачадонига киритилди(трансплантацыйа зигота). 148 кундан сўнг реципиент совлик тирик қўзилади ва унга Долли лақаби берилди(1-расм).

Муҳокама учун саволлар.

1. Ҳайвонлар селексиясининг ўзига хос ҳусусиятларини тушунтириб беринг.
2. Нима учун ҳайвонлар селексияси амалиётида ялпи танлаш қўлланилмайди?
3. Брайлер жўжалари етишишида қандай усулдан фойдаланилади?
4. Ҳужайр инженерлигига доир мисоллар келтиринг.

Мавзу № 2. Ҳайвон зотлари ва зот яратиш жараёни.

Мавзу бўйича асосий саволлар.

1. Зот тўғрисида умумий тушунча. Зот яратишда инсоннинг фаолияти. Зотларнинг асосий хусусиятлари. Зот яратиш босқичлари. Зотларнинг ташқи муҳит шароитига мослашиши.
2. Зотларнинг вужудга келиши ва маҳсулот йўналишига кўра классификацияси. Абориген, оралиқ ва маданийлаштирилган зотлар.
3. Зотларнинг таркибий қисми (зот ичидаги типлар, линиялар, оиласалар. Зотларни раёнлаштириш).

Таянч сўзлар ва иборалар: зот, фенотип, генотип, иқлимлаштириши, адаптация, классификация, структура, маданий зот, абориген зот, оралиқ зот, маҳаллий зот.

1-саволнинг баёни. Уй ҳайвонлари турлар билан бирга зотларга ҳам бўлинади. Ёввойи ҳайвонлар орасида зотлар бўлмайди. Зотлар – уй ҳайвонлари еволюциясининг асосий натижасидир.

Зот деганда маълум бир белгиларга ега бўлган ва шу белгиларни кейинги авлодларга ўтказа олиш хусусиятига ега бўлган ҳайвон гурухлари тушунилади.

Зотнинг енг асосий хусусияти – унинг сифат жиҳатдан ўзига хослигидир, яъни фенотипи ва генотипи жиҳатидан бошқа гурухлардан ажралиб туради.

Зот нафақат қишлоқ хўжалик ҳайвонлари еволюцияси натижаси, балки чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг асосий воситаси ҳам ҳисобланади.

Зоиз ҳайвонлар. Ҳамма вақт ҳам қишлоқ хўжалик ҳайвонлари зотларга ажратилавермайди. Бир қанча зотларни, ёки зотга хос бўлмаган ҳайвон гурухларини маълум бир мақсадсиз равишда чатиштирилаверса ҳайвонларда алоҳида хусусиятга ега бўлмаган белгиларнинг вужудга келиши ва у қайси зотга хос еканлигини ҳам аниқлаб олиш жуда қийин бўлади. Бундай ноаниқ белгиларга ега бўлган ҳайвонларни **зоиз ҳайвонлар** қаторига киритилади.

Зот гурухлари деб янги зот сифатида тасдиқланиш босқичида турган ҳайвон гурухлари тушунилади.

Зотларнинг асосий хусусиятлари. Зотларга хос бўлган белгиларга, уларнинг келиб чиқиш умумийлиги, ҳайвонларнинг ўзаро ўхшашлиги, микдори, тарқалиши, белги ва хусусиятларининг доимийлиги, ўзгарувчанлиги, инсон учун фойдалилиги ва ижтимоий талабга жавоб берга олишлиги киради.

Келиб чиқишининг умумийлиги. Маълум бир зотга мансуб бўлган ҳайвонлар келиб чиқиши жиҳатидан умумийдир. Зотга хос бўлган белгилар бўйича авлоддан-авлодга насл қолдириш учун танлаб олинади ва талабга жавоб берга олмайдиган ҳайвонларни яроқсиз деб топилиб пода сафидан чиқарилади. Маълум бир зотга мансуб бўлган ҳайвонлар хўжалик аҳамиятига ега бўлган белгилар билангина ўзаро ўхшаш бўлмасдан, балки ташқи тузилиши ва туси бўйича ҳам ажралиб туради (қора-ола, қўнғир, оқ, қизил ва ҳ.к.). ҳар бир зотга хос бўлган бошқа фенотипик белгилари ҳам кўп учрайди.

Зотларнинг зот сифатида сақланиб қолиши учун, улар маълум бир микдорда бўлиши ва камайиб кетмаслиги зарур. Академик Д.А.Кисловскийнинг таъкидлашича, ҳайвонларни зот сифатида тасдиқлаш учун, унинг таркибида камида 4500 бош она моллар ва 150 бош еркак ҳайвонлар бўлиши шарт. М.Ф.Иванов янги зот яратилиши учун, улар таркибида камида 5-6 та қариндош бўлмаган линиялар бўлишини таъкидлайди.

Зотлар анча кенг тарқалган бўлиши керак, яъни табиий-иқлим шароити турлича бўлган зоналарда тарқалиши ва шундай шароитга мослаша олиши зотнинг ривожланиши учун муҳим аҳамиятга ега.

Ҳайвонларнинг янги табиий-иқлим шароитига мослаша олиш қобилияти қанча яхши бўлса, у шунча кенг майдонга тарқалиши мумкин.

Зотнинг доимиийлик ва ўзгарувчанилиги – зотнинг такомиллашиши ва ривожланишида муҳим аҳамиятга ега. Ўзгарувчанлик қобилияти, зотда янги белги ва хоссаларнинг ривожланишига, уларни танлаб олиш ва келгуси авлодларда мустаҳкамлаш учун замин яратади.

Зотнинг яратилишига сабаб бўлувчи омиллар:

1. Табиий-географик шароит ва уларнинг зот шаклланишига таъсiri.

Табиий –географик шароит (тупроқ, об-ҳаво, ўсимлик дунёси ва ҳ.к.) зотнинг шаклланишида катта рол ўйнайди. Масалан, симментал зотли қорамолларнинг шаклланишига тоғ шароити муҳим аҳамиятга ега бўлган. Баланд тоғлардаги яйловлар, улардаги бой ўтлоқзорлар мустаҳкам суякли, йирик ҳайвонлар яратилишига сабабчи бўлди. Ташқи муҳит ҳароратининг кескин ўзгариши ва юқори намлик ҳайвон терисининг мустаҳкам бўлишига ва ҳайвонларнинг оғир шароитга чидамлилигини оширди.

Шимолий ўлкалардаги совук об-ҳаво шароити, бу ерда боқилаётган моллар жунининг ўсишига таъсир кўрсатди. Тропик иқлим шароитида иссиққа чидамли ва узоқ вақт сувсизликка бардош бера оладиган зотларгина яшайди ва маҳсулот бера олади. Пироплазмоз касаллигини қўзғатувчи каналар кенг тарқалган зоналарда, шу касалликка чалинмайдиган ҳайвон зотларигина қўпая олиши мумкин.

Зотларни иқлимлаштириш (акклиматизациялаш). Зотларнинг яшаш шароитига мослашиши (адаптацияланиши), уларнинг насл бериши, яшовчанлиги, конституциясининг мустаҳкамлиги, маҳсулдорлик даражаси бўйича аниқланади.

Зотларнинг янги шароитига мослашиш жараёни акклиматизация дейилади, ҳайвонлар ва ташқи муҳит шароити ўртасидаги муносабатларни ўрганувчи фан экология дейилади.

Ҳайвон зотлари ташқи муҳит шароитига мослашиш даражасига кўра 3 гурухга бўлинади:

1. Янги шароитга тез мослаша оладиган зотлар. Буларга Қозоқистон шароитига яхши мослашган, Украинадан келтирилган қизил чўл зотини мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Мазкур зот Қозоқистон шароитига яхши мослашиб, айrim сигирлари сут маҳсулдорлиги бўйича асл ватани – Украинаданаги кўрсаткичлардан ҳам ўзиб кетди.

2. Янги шароитга дастлаб яхши мослаша олмайдиган. Кейинчалик еса уларни соф ҳолда урчитилганда бир неча авлоддан кейин янги шароитга яхши мослашиб кетади. Швецариядан симментал зотларини Россияга келтирилганда, аввалига, улар яхши мослаша олмасдан кўп касал бўлар еди, қисир қолиб, нимжон ва яшаш қобилиятига ега бўлмаган насл берар еди. Кейинчалик, аста – секин уларнинг авлодлари Россия шароитига яхши мослашиб, Швецариядагига нисбатан анча юқори бўлган рекорд кўрсаткичлар ега бўла бошлади.

3. Янги шароитга умуман мослаша олмайдиган зотлар. Улар бир неча авлод давомида соф ҳолда урчитилганда ўз белгиларини йўқотиши ёки тамоман қирилиб кетиши мумкин. Тажрибалар натижасида иссиқ шароитдаги ҳайвонларни об-ҳавоси совуқ шароитга олиб келинса, совуқдан иссиқ шароитга келтирилган ҳайвонларга нисбатан яхши мослашади.

Ҳайвонларнинг озиқаларга бўлган талаб ва еҳтиёжларини узоқ вақт давомида таъминлай олмаса, улар ориқлаб, кўтарам ҳолига келиб қолади, бунда уларнинг маҳсулдорлиги камайибгина қолмасдан, тана тузилиши ва шакли ҳам бузилади.

Зотларнинг шаклланишида ижтимоий-иктисодий шароитнинг роли. Табиий-географик иқлим шароити зотларнинг шаклланишида муҳим рол ўйнасада, улар зот яратилишида асосий омил бўла олмайди. Маълумки, бир хил шароитда Англияда қўплаб ҳайвон зотлари яратилган. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам юқори маҳсулдорликка ега емас. Шу сабабли зотларнинг шаклланиши ва яратилишида ижтимоий-иктисодий шароит бош омил бўлиб хизмат қиласди. Англияда капитализм тузумининг ривожланиши, қўплаб саноат корхоналарининг пайдо бўлиши ва тез ривожланиши, янги, тез етилувчан, гўштдор ва серсут ҳайвон зотларининг яратилишига олиб келди. Ушбу мамлакатда қисқа давр ичида шортгорн, герефорд, абердин-ангус номли қорамол зотлари, линколн, гемпшир, шропшири каби қўй зотлари яратилди.

Муҳокама учун саволлар.

1. Зотдеганде нимани тушунасиз.
2. Зотнинг яратилишига таъсир етувчи омиллар.
3. Зақиз ҳайвонлар деганде нимани тушунасиз?
4. Зотларга хос бўлган белгиларга нималар киради?
5. Зотларни ташқи муҳит шароитига мослашии даражасига кўра қандай гуруҳларга бўлинади.

2-саволнинг баёни. (Зотларнинг вужудга келиши ва маҳсулот йўналишига кўра классификацияси. Абориген, оралиқ ва маданийлаштирилган зотлар.)

Чорвачилик амалиётида ҳайвон зотларини келиб чиқиши ва маҳсулдорлиги бўйича классификациялаш қабул қилинган.

Зотларни келиб чиқишига кўра классификациялаши (гуруҳлаш). Ҳайвонларни бундай гурухлаш, улар бош суюгининг тузилишига асосланаган. Йирик шохли ҳайвонлар бош суюгининг тузилишига кўра кенгпешонали, калташохли, калтабошли, тўғришохли, шохсиз ва зебу каби типларга бўлинади.

От ва чўчқалар ҳам бош суюгининг тузилишига кўра классификацияланади, қўйлар еса бош суюгининг тузилишига емас, балки дум шаклига қараб қўйидаги гурухларга бўлинади: калтадумли, узундумли, семиз думли ва думбали.

Келиб чиқишига кўра бир нечта зотларни ўзаро қариндош бўлган битта гурухга умумлаштириш мумкин. Масалан, бир-бирига қариндош бўлган зотларга АҚШ ва Канаданинг голштино-фриз, Германия, Англия, Франция, Белгия ва СНГ давлатларидағи қора-ола зотларини киритиш мумкин. Швиц зотли қорамоллар билан чатишириш натижасида қўнғир карпати, кострома, олатов, лебедин, кавказ қўнғир зотли қорамоллар келиб чиқкан.

Зотларни географик принсип бўйича классификациялаш ҳам диққатга сазаввордир. Шунга кўра зотлар тоғли, пасттекисли, чўл ва ўрмон, шимолий ва жанубий, субтропик климатли зотларга бўлинади.

Зотларни, уни яратишига сабаб бўлган инсон меҳнатининг сифати ва миқдорига кўра классификациялаш. Мазкур принцип бўйича зотлар маданийлашган (заводской), ўткинчи, примитив гурухларга бўлинади. Примитив зотларга шундай зотлар кирадики, уларни яратиш учун юқори малакали зоотехникларнинг меҳнати нисбатан кам сарфланган, ва асосан табиий танлашнинг қучли таъсири остида яратилган. Примитив зотларда генотипик белгиларнинг ўта мустаҳкам сингиб кетганлиги билан маданий зотлардан фарқланади.

Айрим ҳолатларда примитив зотлар билан абориген зотларни чалкаштириб юборилади. Абориген зотлар деб шундай зотларга айтиладики, улар маҳаллий шарт-шароитларда узоқ вақт давомида (юз йиллаб) урчитиб келинади.

Маданийлашган зотлар деб шундай зотларга айтиладики, уларни яратиш учун йиллар давомида кўплаб юқори малакали зоотехник-селекциячиларнинг меҳнати сарфланган. Маданийлашган зотлар, Г.Зеттегаст таърифига кўра, олдиндан маълум бир мақсадга йўналтирилган меҳнат маҳсулидир. Зотларнинг маданийлаштирилганлик даражасини, улар билан олиб борилган чуқур зоотехник ишларнинг давомийлигига қараб хулоса чиқариш мумкин, яъни улар устида наслчилик ҳисоб-китоб ишларининг юритилиши, зотларнинг насллилик китобига киритилган ҳайвонлар миқдори ва ҳ.к

Ўткинчи ёки яхшиланган зотлар примитив ва маданийлашган зотлар оралиғида жойлашган бўлиб, маҳсулдорлик кўрсаткичлари жиҳатидан примитив зотлардан устун туради.

П.Н.Кулешов бўйича зотларнинг классификацияланниш. У тузган схема бўйича от, қорамол, қўй ва чўчқалар қўйидаги тўрт гурухга бўлинади:

1). Чорвачиликни 1700-1750 йилларгача яхшиланга хизмат қилган Қадимий Осиё ва Европа зотлари.

2). Қадимги буюк чорвадорлар (Беквел Р. ва б) томонидан 1700-1750 йилларда яратилган универсал зотлар; улар яратган зотлардан фойдаланиб, кўп давлатларнинг чорва моллари зоти яхшиланган;

3) Универсал зотлар билан чатишириш натижасида маҳаллий аҳамиятга ега бўлган зотлар;


4). Европа ва Осиёнинг абориген (туб жой)зотлари (буларга асосан примитив зотлар киради).

Зотларни маҳсулот йўналишига қўра классификациялаш. Зотларни маҳсулот йўналишига қўра классификациялаш муҳим аҳамиятга ега. Чунки ҳайвонларни асосан маҳсулот учун боқилади.

Қорамол зотлари қўйидаги маҳсулдорлик типи бўйича гурухларга ажратилади:

- 1). Сут йўналишидаги тип (қороа-ола, қизил чўл, ярославл, джерсей ва б.)
- 2). Сут-гўшт йўналишидаги (симментал, швиц, кострома ва б)
- 3). Гўшт-сут (пинцгау);
- 4). Гўшт (герефорд, aberдин-ангус, шароле, киан, санта-гертруд, қалмиқ ва б);
- 5). Ишчи (украина кул-ранг зоти) ;
- 6). Уриштириш учун буқалар (иберия ва б. зотлар).

Сут йўналишидаги қорамол зотлари



Гүшт йұналишидаги қорамол зотлари



Күй зотлари қуидаги гурухларга бўлинади:

- 1) Майин жунли (совет мериноси, аскания, кавказ майин жунли ва б.).
- 2) Яриммайинжунили (цигай, ромни-марш, куйбишев, горков ва б.);
- 3) Пўстинбоп (романов, фин ландраси);
- 4) Мўйнали (қорақўл);
- 5) Гўшт-ёғ (думбали зотлар);
- 6) Жун-гўшт-дағал жунли (кучугуров)
- 7) Гўшт-жун-сут (осетин ва б.).

Майин жунли қўй зотлари



Яриммайин жунли қўйлар.



Пўстинбоп қўйлар.




Мўйна олинадиган қўйлар.



Гўшт-ёғ йўналишдаги қўйлар.



Чўчқа зотлари маҳсулот йўналишига кўра қўйидаги типларга бўлинади:
ёғли (ливен, мангали зоти); гўшт-ёғ (йирик оқ, беркшир, миргород ва б.); гўшт
(ландрас, темборс, петрон ва б.)



11-расм. Украина оқ чүл чүчқа зоти



12-расм. Миргород зоти

От зотлари қуидаги гурұхларга бўлинади:

- 1) Егарлаб миниладиган чопқир отлар (англия тозақонли чопқири, араби, ахал-текин ва б.)
- 2) Егарлаб миниладиган – юкчи (гуцул ва б.);
- 3) Енгил арава тортувчи (орлов йўртоқиси, рус, америка ва франция йўртоқилари);
- 4) Оғир арава тортувчи (брабансон, совет оғир юк тортувчи, владимир, рус оғир юк тортувчи ва б.);
- 5) Декоратив (пони)-завқ бағишлиовчи



13- расм. Англия тозақонли чопқир от зоти

Парранда зотлари маҳсулот йўналиши бўйича қуидагиларга бўлинади:

- 1) Тухум йўналиши (леггорн, рус оқ товуғи ва б.)
- 2) Гўшт-тухум (род-айланд, плимутрок, первомай ва б.);
- 3) Гўшт (корниш);
- 4) Урушқоқ;

5) Декоратив (бентам ёки королки-шоҳтовуқ).



14-расм. Тухум йўналишидаги леггорн товуклари

Маҳсулот йўналишига кўра ҳайвонлар тури ичида яна бир-биридан яққол ажралиб турувчи иккита гурухга бўлинади: ихтисослашган ва аралаш ёки қўш маҳсулдорли. Маълумки, ҳайвонлардан бир неча хил маҳсулотлар олинади. Шулардан бири бошқаларга нисбатан анча яхши ривожланган бўлса, бундай зотлар шу йўналиш бўйича ихтисослашган зот дейилади.



15-расм. Гўшт-тухум йўналишидаги плимутрок зоти.

Муҳокама учун саволлар.

1. Уй ҳайвонларини нималарга асосан гуруҳларга ажратиш қабул қилинган.
2. Зотларни келиб чиқишига кўра классификациялашда асосан нималарга еътибор берилади?
3. П.Н.Кулемов бўйича зотларни классификациялашининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида тушунча беринг

4. Нима учун зотларни маҳсулот йўналишига кўра классификацияланади?

З--саволнинг баёни. (Зотларнинг таркибий қисми (зот ичидаги типлар, линиялар, оилалар. Зотларни раёнлаштириши).

Зот структурасининг асосий таркибий қисмига: зот типи, зотнинг наслли ва товар қисми, тизим (линия) ва оилалари киради.

Зот типи. Ҳайвонларнинг конституцияси (тузилиши) ва маҳсулот йўналишига кўра зот ичидаги типларга бўлинади. Масалан, ҳисор зотли қўйларда маҳсулот йўналиши ва конституциясига кўра З типга – “А”(мустаҳкам), “Б” (дағал) ва “В” (нозик) типларга бўлинади.

“А” (мустаҳкам) типига мансуб ҳайвонларда гўшт-ёғ маҳсулдорлиги яхши қўзга ташланади, танасининг барча қисмлари пропорционал равишда ривожланган, суяклари мустаҳкам, жуни, зот доирасида, қониқарлидир.

“Б”(дағал) типли конституцияга ега бўлган ҳайвонларда гўшт-ёғ маҳсулдорлиги яхши ривожланган, гавдаси кенг ва чуқур, лекин тана тузилиши етарли даражада пропорционал шаклга ва, бирмунча дағал кўринишга ега. Ушбу типга мансуб қўйларнинг ўзига хос хусусиятларига, суякларининг оғир ва ҳажмдорлиги, бошининг пешона ва тепа қисми қучли ривожланганлиги ва калта, дағал қопловчи жун қатлами билан қопланганлиги, кўкраги олдинга туртиб чиққанлиги ва кучли ривожланганлиги; терисининг қалин ва кам еластикли, қийин чўзилувчанлиги; оёқларининг аксарият ҳолатларда йўғон ва жуда мустаҳкамлиги билан характерланади. Жун маҳсулдорлиги ўта паст, қисқа, дағал ҳамда ингичка жуности қопламларидан иборат.

“В” (нозик) типли конституцияга ега бўлган ҳисор қўйларининг гўшт-ёғ маҳсулоти унчалик яхши қўзга ташланмайди. Юқорида кўрсатиб ўтилган типдаги қўйларга нисбатан суяклари енгил, бирмунча нозик ва мушаклари бўш. Жунининг сифати еса бошқа типларга нисбатан яхши, бирмунча узун ва майниндир.

Зот доирасида енг кўп тарқалганлари мустаҳкам типли ҳайвонлар бўлиб, улар 58,5% ни ташкил қиласди, дағал типга мансуб қўйлар ўртача – 22,9 % ва нозик типлилар – 18,6 % миқдорда учрайди. Умуман, ҳисор қўйлари сурувлари орасида мустаҳкам ва дағал типли конституцияга ега бўлган ҳайвонлар миқдори 81,4% ни ташкил қиласа, нозик типли конституцияга ега бўлган қўйлар 18,6 % атрофида бўлади. Мустаҳкам ва дағал типга мансуб қўйларнинг нозик типлиларга нисбатан кўпроқ учрашининг асосий сабабларидан бири, уларнинг ташқи муҳит шароитига чидамлилиги ва яшовчанлиги билан изоҳланади.

Зот яратилишидан аввал **зот гуруҳи** вужудга келади. **Зот гуруҳи** келиб чиқиши умумий бўлган, маҳсулдорлиги, конституцияси, муайян табиий-иқтисодий шароитга мосланиши билан бир-биридан фарқ қиласидиган, лекин ҳали зотнинг комплекс белги ва хусусиятларини ўз организмида намаён ета олмаган уй ҳайвонлари гуруҳидир. Зот гурутши кўп миқдордаги дуррагайлар йиғиндиси ҳисобига кўпайтирилади ва парвариш қилинади. Лекин, зот гуруҳидаги ҳайвонлар ҳали ўзининг ирсий белги ва хусусиятларини наслига

юқори даражада ўтказа олмаслиги аниқланган. Шунинг учун ҳам уларнинг насли бир текис наслдор ва бир хил бўлавермайди. Зот гуруҳининг тарқалиш ареали тор, линия ва оилалари оз ва ҳали унча такомиллашмаган, ишлаб чиқариш зот типи яхши ифодаланмаган бўлади. Умуман зот гуруҳидан янги зот яратиш учун унинг устида тинимсиз ишлаш, янги сермаҳсул линия ва оилаларнинг ишлаб чиқариш типларини яратиш шунингдек, наслчилик ишларини кенг миқёсда олиб бориш талаб етилади.

Линия (тизим) - енг яхши еркак ҳайвонларнинг бир неча авлодларидан иборат бўлган гурухи бўлиб, маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича ажralиб туради. Умуман линияга мансуб ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги, конституцияси бир-бириникига ўхшаш, улар битта наслдор буқадан тарқалган бўлади. Линиялар ҳар бир зотнинг таркибий қисми ҳисобланади. Бинобарин, зот ичида олиб бориладиган наслчилик ва селекция ишлари ҳамма вақт линияларнинг сони ва сифатига асосланган ҳолда амалга оширилади. Линияларнинг ҳар бири маълум даражада мустақил бўлса-да, улар барибир зотга бўйсунади.

Моллар линиялар асосида танланганда, уларга фенотипи ва генотипига кўра баҳо берилади. Баҳолашда уларнинг ҳар бирининг келиб чиқиши, конституцияси, екстерери, муайян маҳсулот йўналишига ва юқори сифатли насл беришга мойиллиги ҳисобга олинади. Умуман ҳар бир зот ичида бир неча ($5, 8, 10$ ва ҳоказо) линия бўлиб, зотнинг наслдан-наслга ўтадиган белгилари яхшиланиб боришида муҳим рол ўйнайди.

Ҳар бир зот таркибида линиялар билан бирга оилалар ташкил қиласи. **Оила** маҳсулдорлиги, биологик ҳусусиятлари ва бошқа белгилари деярли бир хил ва ўхшаш бўлган, битта зотдор сигирдан тарқалган барча урғочи моллар гуруҳидир. Оилалар зотнинг таркибий қисми ҳисобланади. Улар сифатли, серпушт ва сермаҳсул урғочи ҳайвонлар етиштиришда енг муҳим рол ўйнайди. Лекин оилалар бундай катта аҳамияти борлиги билан бирга тарқалишига кўра, зот ичида линиялардан кейинда туради. Зот таркибидаги оилалар ҳам линиялар каби бир неча бўлиши мумкин. Ҳар бир наслчилик хўжаликларида линия ва оилалар асосчиларининг (буқа ва сигирларнинг) расми ва барча фенотипик белгилари маҳсус журнал ва китобларда акс еттирилган бўлади. шунингдек, улардан тарқалган ва ҳатто бошқа хўжаликларга сотилган барча еркак ва урғочи молларнинг фенотипик ва генотипик белги-хусусиятлари ҳамда маҳсулдорлик кўрсаткичлари ҳам маҳсус журналларда қайд етиб борилади. Бу еса зот устида олиб бориладиган наслчилик ва селекция ишларини тўғри ва самарали амалга оширишга имкон беради ва меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим рол ўйнайди.

Зотларни раёнлаштириш. Ҳайвон зотларини маҳсулот йўналиши, улардан олинадиган маҳсулот турлари, миқдори ва ҳоказоларга кўра раёнлаштириш муҳим аҳамиятга ега. Чунки бунда молларнинг маҳсулдорлик даражаси, маҳсулот тури, қиммати, таннархи, сифати, аҳолининг унга бўлган еҳтиёжи, шунингдек, ҳар бир зот ёки йўналишнинг ривожланиши, кам меҳнат ва маблағ сарфлаб, кўпроқ маҳсулот олиш масалалари дикқат марказида туради.

Умуман ҳайвонларнинг ҳар бир зоти муайян табиий зона ва раёнлар шароитига яхши мослашганлиги муҳим шароитлардан бири ҳисобланади. Бунда ҳаво температураси, йиллик ёғин-сочин миқдори, ем-хашак базаси ва турли хилдаги экологик ҳамда биологик шароит муҳим омиллар сифатида ҳисобга олинади.

Қорамол зотлари хўжалик аҳамиятига ега бўлган белги ва хусусиятларини сақлаш учун улар ҳамма вақт яхши боқилиши ва парвариш қилиниши керак. Шундагина улар яхши урчиди, сигирлар қисир қолмайди, бузоқларнинг ўсиш суръати жадаллашади ва улар турли хилдаги касалликларга учрамайди.

Ўзбекистоннинг табиий-иқлим шароитида зотларнинг табиий-иқтисодий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қорамол зотларини раёнлаштириш режаси тузиб чиқилган. маълумки, республикамизда қорамолчиликни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд. Масалан, тоғлар ва тоғ олди, дашт ва ярим дашт, шунингдек, лалмикор ерлардан унумли фойдаланиш имкониятлари жуда катта. Бу ерларда мол боқиш. Беда, кунгабоқар, маккажўхори, хашаки полиз екинлари, илдизмевали озиқалар екилиши ва улар ҳосилдорлигини ошириш муҳим аҳамиятга ега.

Умуман республикамизда қорамолчиликни ривожлантириш борасида тўртта зона белгиланган.

1. **Сугориладиган зона.** Бу зона вилоятлардаги пахта екиладиган раёнлардан ташкил топган. Бу зонада сут-гўшт йўналишидаги қорамолчилик ривожлантирилиши назарда тутилади. Бу зонада қора-ола, қизил чўл зоти, швиц, бушуев каби зотларни кўпайтириш режалаштирилган.

Бу зонада қорамолчиликни жадал ривожлантириш учун бир қанча тадбирларни амалга ошириш талаб етилади. Масалан, маҳаллий молларни маданий зотлар билан чатиштириб, кўплаб сермаҳсул дурагайлар етиштириш; фермаларда молларни танлаш ва саралаш ҳамда наслчилик ишларини кучайтириш, моллар зотдорлигини ошириш, сут маҳсулдорлигини кўпайтириш, бузоқлар парваришига ётиборни кучайтириш каби масалалар шулар жумласидандир.

2. **Лалмикор дехқончилик зonasи.** Бунга ерлари бошоқли дон екинлари ўстириш мақсадида фойдаланиладиган тоғ етаклари, тоғли раёнлар, ярим дашт майдонларнинг чўл қисми киради. Бинобарин, бундай зонага жойлашган хўжаликларда гўшт етиштиришга ва ёғ, пишлоқ тайёрлашга мослашган гўшт-сут йўналишидаги зотларни кўпайтириш лозим ҳисобланади. Бу ерлардаги маҳаллий сигирларни швиц, олатов, қозоқи оқбош ва сантагертрудга зотига мансуб буқалар билан чатиштириб, наслини яхшилаш муҳим вазифа ҳисобланади.

3. **Дашт-яйловли зона.** Бу зона дехқончиликка мутлақо ярамайдиган чала даштдан ташкил топган ер массивларини ўз ичига олади. Бундай зона ерлари асосан қўй-ечки ва туяларни боқиш учун ўтлоқ сифатида фойдаланилади. У ерда чучук сув бўлмаслиги, яйлов ўтлари сийраклиги, кунлар исиб кетганда қовжираб қолиши, сунъий, яйловларни ташкил қилиш

имкони бўлмаганлиги учун бу зонада қорамол боқиш режалаштирилмайди. Бинобарин, бу зона қоракўлчилик учун жуда қулай ҳисобланади.

4. **Шаҳар атрофи зonasи.** Бу зонада яйловлар бўлмаслиги, аҳоли зич жойлашганлиги ва ёғи олинмаган сутга еҳтиёж катталиги туфайли асосан серсут қорамол зотлари боқилади ва қўпайтирилади. Бунда ҳар бир сигирдан максимал даражада сифатли ва арzon сут соғиб олиш, моллар зотини яхшилаш, йирик сутчилик комплекслари қуриш ишлари асосий диққат марказида бўлади.

Шундай қилиб зотларни раёнлаштириш ишлари муҳим халқ хўжалик ахамиятига ега бўлган тадбир ҳисобланади, уни қатъий, ўзгармайди деб бўлмайди. Аҳоли еҳтиёжининг, табиий ресурсларнинг ўзгариши, яйловларнинг ўзлаштирилиши, янги ишлаб чиқариш корхоналари бунёд етилиши ва ҳоказоларга боғлиқ ҳолда бу тадбир ҳам ўзгариб бориши табиийдир.

Муҳокама учун саволлар.

1. Зотнинг таркибий қисмига нималар киради?
2. Зот тики дегандага нимани тушунасиз?
3. Зот гурӯҳи, линия ва оила тўғрисида тушунча беринг.
4. Зотларни раёнлаштириши дегандага нимани тушунасиз?
5. Республикаизда қорамолчилликни ривожлантириши бўйича белгиланган зоналарни изоҳлаб беринг.

Мавзу № 3. Ҳайвонларни танлаш ва саралаш.

Мавзу бўйича асосий саволлар.

1. Чорвачиликда наслчилик ишларини олиб бориши.
2. Ҳайвонларни танлаш ва саралаш тўғрисида тушунча.
3. Ҳар хил турдаги ҳайвонларни танлашнинг ўзига хос хусусиятлари.

Таянч сўзлар ва иборалар: фенотип, генотип, екстерер, селекция, танлаш, саралаш, келиб чиқишига кўра танлаш, ялпи танлаш, индивидуал танлаш

1-саволнинг баёни. Наслчилик ишларининг асосий мақсади молларнинг маҳсулдорлигини ошириш, зотини яхшилаш, тез етилувчан, вазндор, серпушт ва сифатли моллар етиштиришдан иборат.

Ўзбекистонда наслчилик ишларини самарали олиб бориш мақсадида барча зоналарнинг табиий ва иқтисодий хусусиятларини ва молларнинг биологик ҳамда хўжалик сифатларини ҳисобга олган ҳолда зотларни раёнлаштириш ишлари амалга оширилган. Ҳайвонларнинг маҳсулдорлиги ва сифатини ошириш мақсадида барча турдаги урғочи молларни юқори кўрсаткичларга ега бўлган еркаклари уруғи билан сунъий уруғлантириш муҳим аҳамиятга ега.

Наслчилик ишларнинг самараси бир қанча тадбирларга боғлиқ. Масалан: 1) чорвачилик фермаларида моллар зотини яхшилашда юқори класс сермаҳсул еркаклар уруғидан унумли фойдаланиш; 2) танлаш ва саралаш ишларида молларнинг келиб чиқиши (ота-онасининг маҳсулдорлиги), конституциясига, ривожланиш даражаси ва авлодининг маҳсулдорлик кўрсаткичига алоҳида еътибор бериш; 3) фермаларда бонитировка ишларнни ўз вақтида ва сифатли ўтказиш; 4) насл учун енг сифатли ва соғлом болаларини ажратиш; 5) чатиштириш ишлари учун подадаги енг яхши, сифатли, сермаҳсул, соғлом урғочи молларни танлаш; 6) наслчилик ишларини тасдикланган қатъий режа асосида олиб бориш; 7) насл учун ажратилган молларни сифатли озиқлар билан рациои асосида боқиши, парваришлаш ва асрар ишларини юқори даражада олиб бориш шулар жумласидандир.

Барча наслчилик хўжаликларида наслчилик ишидаги асосий усул молларни тоза ҳолда (еркак ва урғочиси бир зотдан бўлган молларни) урчиши ҳисобланади. Лекин айрим ҳолларда, масалан, молларнинг бирор маҳсулот кўрсаткичини яхшилаш ёки янги зот яратиш мақсадида вақтинча ҳисобланган зотлараро чатиштириш усули кўлланилади.

Барча фермаларда кўплаб товар маҳсулот етиштириш учун ҳар хил чатиштириш ва ҳатто гибридлаш усулларидан фойдаланиш мумкин. Бундай тадбирлар кўпроқ қорамолчиликда, чўчқачиликда ва паррандачиликда кенг амалга оширилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Чорвачиликда наслчилик ишларини олиб бориши

2. Наслчилик ишларининг самараси нималарга боғлиқ?
3. Наслчилик хўжаликларида наслчилик ишини олиб бориши учун қўлланиладиган асосий усулни тушунтириб беринг.
4. Товар хўжаликларида наслчилик ишларини олиб боришида қўлланиладиган усулларни айтиб беринг

2-саволнинг баёни. (*Ҳайвонларни танлаш ва саралаш тўғрисида тушунча*). Чорвачиликда янги зот яратиш, мавжуд зотларни такомиллаштириш мақсадида танлаш ва саралаш олиб борилади. Танлаш молларнинг фенотипи (екстерери, маҳсулдорлиги, ўсиши ва ривожланиши) ва генотипи (ирсий хусусияти ва бу хусусиятни ўз наслига ўтказа олиш қобилияти) бўйича олиб борилади.

Танлаш деганда маҳсулдорлиги ва яшаш шарт-шароити жиҳатидан инсон талабига ва ишлаб чиқариш технологиясига жавоб бера оладиган ҳайвонларни ажратиб олиш тушунилади.

Танлаш молларни фенотипига (ривожланиши, екстерери, конституцияси, маҳсулдорлиги) ва генотипига (ирсий хусусиятларига ва бу хусусиятларни ўз наслига бера олиш қобилияти) кўра олиб борилади.

Танлаш ва саралаш асосида ҳайвон зотларини такомиллаштириш жараёнига селекция деб аталади.

Ҳайвонларни танлаш қўйидаги қўрсаткичлари бўйича олиб борилади:

- 1) Бир томонлама танлаш – бунда ҳайвонлар маълум бир қўрсаткичи асосида танланади.
- 2) Келиб чиқишига кўра танлашда наслчилик ишлари бўйича юритиладиган маҳсус хисбот журнали ва қайдномалардаги маълумотлар, ота-онасининг ирсий белгиларига кўра танланади.
- 3) Вазни ва жадал ўсишига кўра танлашда ҳар хил ҳайвонлар турли ёшида баҳоланади. Масалан, қулунлар (тойлар) 6-8 ойлигига, бузоқлар 5-6 ойлигига, қўзилар 3-4 ойлигига, чўчқа болалари еса 2 ойлигига баҳоланади.

Авлодининг сифатига кўра танлашда асосан болаларининг яшовчанлиги, тирик вазни, бош сони ва бошқа барча белги ва хусусиятлари хисобга олинган ҳолда бажарилади.

Танлашнинг асосий шакллари. Чорвчиликда ялпи ва индивидуал (якка тартибда) танлаш қўлланилади.

Ялпи танлашда ҳайвонларнинг фақат фенотипигагина ёстибор берилади. Индивидуал танлашда еса фенотипи ва генотипи ёстиборга олинади, бу ҳайвонлар селекциясида муҳим аҳамиятга ега.

Саралаш - танлаб олинган алоҳида бир ҳайвонни ёки ҳайвонлар гурӯхини инсон учун керак бўлган маҳсулот олиш, ёки сермаҳсул, тез етилувчан, чидамли насл олиш мақсадида жуфтлаштиришdir. Бу тадбирнинг асосий мақсади чорва молларининг барча ижобий белги ва хусусиятларини келгуси авлодларда сақлаб қолиш ва ривожлантиришдан иборат. Еркак ва ургочи ҳайвонларни саралашда қўйидагиларга ёстибор берилади:

- 1) Енг сифатли она моллар енг сифатли еркак ҳайвонлар билан жуфтлаштирилади.
- 2) Жуфтлаштиришда еркак ҳайвон ургочисига қараганда юқори синфга ега бўлиши керак.
- 3) Яқин қариндош бўлган ҳайвонларни (И авлод вакилларини ёки болаларини ота-оналари билан) ўзаро жуфтлаштириш маън етилади, акс ҳолда заиф ва сифаиз насл вужудга келади. Лекин, наслчилик хўжаликларида, айрим ҳолатда, юқори малакали мутахассислар назорати остида, бу тадбирни маълум мақсадда (зотнинг сифатини яхшилаш ва зот яратиш учун) амалга ошириш мумкин;
- 4) Айрим бир хил нуқсонга ега бўлган еркак ва урғочи ҳайвонларни ўзаро жуфтлаштирилмайди, чунки бу нуқсонлар келгуси авлодда янада кенгроқ ёйилиш мумкин.

Саралаш ишларини олиб боришда ҳайвонларни ёшига қараб жуфтлаш муҳим аҳамиятга ега. Тажрибалардан маълумки, ёш урғочи ҳайвонларни ёш еркак ҳайвонлар билан урчитиш кўпинча салбий натижалар беради. Шунинг учун қўйидаги тавсияларга еътибор бериш талаб етилади:

- ўрта ёшдаги урғочи ҳайвонлар ўрта ёшдаги еркак ҳайвонлар билан жуфтлаштирилиши лозим;
- ёш ҳайвонларга ўрта ёшдаги ҳайвонларни хиллаш керак;
- катта ёшдаги ҳайвонлар ёш ҳайвонлар билан уруғлантирилиши яхши натижа беради.

Муҳокама учун саволлар:

1. Танлаш деб нимага айтилади?
2. Саралаш деганда нимани тушунасиз?
3. Қандай танлаш турларини биласиз?
4. Ҳайвонларни саралашда нималарга еътибор берилади?
5. Нима учун саралашда ҳайвонларнинг ёшига еътибор берилади?

3-саволнинг баёни. (*Ҳар хил турдаги ҳайвонларни танлаш ва баҳолашнинг ўзига хос хусусиятлари*). Ҳар хил турдаги ҳайвонларни жинсий етилишига ва бошқа биологик хусусиятларига кўра таққосланганда, енг кеч балоғатга етувчи ҳайвонлар турига **туялар** мансуб еканлиги аниқланди (2-3 ёшда). Уларни биринчи марта 3,5-4 ёшда урчитилади, туяларнинг ҳомиладорлик даври 390 кунни ташкил етади.

Отларнинг жинсий балоғатга етиш муддати 1,5 ёшни ташкил етади, биринчи марта урчитиш ёши esa 3-4 ёшга teng, ҳомиладорлик даври 340 (320 - 419 кунгача) кун.

Отларни танлаш ва баҳолашда уларни ишчанлиги, чопқирлиги, бардошлилиги бўйича 2,5 – 3 ёшлигида баҳоланади. Отлар кеч етилувчан ҳайвонлар ҳисобланади. Битта айғирни тўлиқ баҳолаш учун (наслдорлик сифати бўйича) камида 6-7 йил керак бўлади.

Кеч етилувчан ва камнасл берувчи ҳайвонлар қаторига **корамолларни** ҳам киритиш мумкин. Урғочи таналарни биринчи марта 16-20 ойлигига урчитилади.

Уларнинг ҳомиладорлик даври 285 кунни ташкил етади. Огдатда сигирлар биттадан бузоқ туғади, егизаклари жуда кам (3-4 %). Сут ва сут-гўшт йўналишидаги сигирлар 1-сут бериш даври тугагандан сўнг баҳоланади. Наслли буқаларни еса авлодининг сифатига кўра тўлиқ баҳолаш учун камида 5 йил керак бўлади. Бўрдоқига боқилиш ва гўшт маҳсулдорлиги бўйича ҳайвонлар (еркаги ва урғочиси) 12-15 ойлигига баҳоланади. Шунинг учун гўшт йўналишидаги қорамолларни баҳолаш муддати анча қисқадир.

Ҳайвонларни танлашда бонитировка муҳим аҳамиятга ега. Бонитировка деб, чорва молларини комплекс белгилари асосида маълум мақсадда баҳолашга айтилади. Унда баҳоланаётган ҳар бир ҳайвоннинг келиб чиқиши, екстерери, конституцияси, вазни, маҳсулдорлиги еътиборга олинади.

Бонитировка ўтказишда ҳар бир ҳайвоннинг асосий маҳсулоти муҳим кўрсаткич сифатида еътиборга олинади. Масалан, сигирларнинг сут маҳсулдорлиги, сутдаги ёғ миқдори, йилқиларнинг чопқирлиги, оғир юқ торта олиш хусусияти, қўйларнинг маҳсулот йўналишига кўра жун маҳсулдорлиги ва сифати, товуқларнинг серпуштлиги ва тухумининг оғирлиги каби кўрсаткичлар бонитировка ўтказувчининг дикқат марказида туради.

Бонитировкани маҳсус комиссия ўтказади ва уларнинг маълумотлари ведомост-далолатномалар билан расмийлаштирилади.

Ҳайвонларни келиб чиқишига кўра баҳолашда, уларнинг зоти ва зотдорлиги ҳисобга олинади, қайси тизим ва оиласа мансублиги аниқланади

Ҳайвонларни екстерерига кўра баҳолашда, уларнинг ташки қиёфаси ҳисобга олинади. Унда катта ёшдаги ҳайвонлар 10 балли, ёш моллар 5 балли система асосида баҳоланади.

Вазнига кўра баҳолашда моллар тарозида тортилади ва қайси йўналишга мансублиги, зоти кўрсатилади. Кейин ҳар бир йўналиш ва зот талабига кўра баҳо берилади.

Сигирларнинг серсутлиги 305 кунлик лактация даврида берган сут миқдори, сутининг ёғ ва оқсил миқдорига кўра баҳоланади.

Чўчқалар тез етилувчан ва кўп насл берувчи ҳайвонлар ҳисобланади. Биринчи марта уларни 9-10 ойлигига урчитилади. Ҳомиладорлик даври ўртача 115 кунни ташкил етади. Бир туғищда улар 18 та ва ундан ортиқ насл бериши мумкин, Чўчқалар серпуштлиги, болаларининг тез семириши ва икки ойлик болаларнинг вазнига кўра баҳоланади. Чўчқаларни танлаш ва баҳолашда асосан бўрдоқига боқилиш ва гўшт сифатига еътибор берилади. Уларнинг серсутлиги 21 кунлик болаларни тортиб кўриш билан аниқланади.

Қўйлар бирмунча тез етилувчан ва кўп насл берувчи ҳайвонлар қаторига киради. Биринчи марта уларни 12-18 ойлигига урчитишга қўйилади, ҳомиладорлик даври ўртача 154 кунни ташкил етади, ҳар бир совлиқ, зотига қараб, 1 тадан 4-5 тагача, айрим ҳолларда 8 тагача қўзилайди. Майинжунли ва яриммайинжунли қўйлар биринчи марта бир яшарлигига баҳоланади, пўстинбоп қўйлар 8-9 ойлигига. Мўйнали қўзилар еса 1-3 кунлигига баҳоланади.

Қўйлар маҳсулот йўналишига кўра жунининг вазни, сифати (тола ингичкалиги), текислиги, қалинлиги ва терёғлилиги билан баҳоланади.

Қоракўл қўзилар 1-3 кунлигига мўйнасининг сифатига кўра баҳоланади. Бунда терисининг ранги, гулдорлиги, жингалакларининг йирик-майдалиги, жунининг ялтроқлиги ҳисобга олинади.

Гўшт-ёғ йўналишида боқиладиган қўйлар гўштдорлиги ва думбасининг катталиги, вазни ва ташқи кўриниши, пўстинбоп қўйлар мўйнасининг сифати ва серпуштлигига кўра баҳоланади.

Ҳайвонлар ичида тез етилувчан ва сернаслии сифатида **куёнлар** алоҳида ахамиятга ега. Қуёнларнинг бўғозлик даври 30 кунга teng. Қуёнлар 7-8 ойлигига биринчи марта болалайди. Ҳар бир болалашда 6-9 тагача насл беради (1тадан 14 тагача болалashi мумкин). Ҳар бир урғочи куён йилига 4 тадан 6 марта гача насл бериши мумкин. Қуёнларни гўшт маҳсулдорлиги бўйича 2-3 ойлигига баҳоланади, уларни тери сифатига кўра 3-4 ойлигига баҳоланади. Тивитли қуён зотлари 2-4 ойлигига тивит маҳсулдорлиги бўйича баҳоланади.

Тез етилувчанлиги ва серпуштлик хусусияти бўйича қишлоқ хўжалик **паррандалари** алоҳида ўринга ега. Товуқларнинг жинсий етилувчанлиги (биринчи марта тухум бериш) 4-5 ойга, куркаларники 7-8 ой, ўрдак ва ғозларники 8-10 ойга teng. Товуқлар биринчи йил тухумлашидаёқ 200-250 та ва ундан кўп тухум беради. Паррандалар авлодларининг бундай тез алмашиниши ва асосий маҳсулдорлик сифатини ерта баҳоланиши танлаш суръати ва самарадорлигига ижобий таъсир кўрсатади.

Паррандалар қайси йўналишда боқилишига кўра серпуштлиги, гўштдорлиги, тухумининг катталиги ва екстерерига кўра баҳоланади. Тухумининг вазнини аниқлаш учун уларнинг 10 тасини тортиб бир донасининг ўртача вазни аниқланади.

Бонитировка ишлари Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан тасдиқланган маҳсус услубий кўлланмалар асосида олиб борилади.

Муҳокама учун саволлар.

1. *Бонитировка деб нимага айтилади?*
2. *Чорва молларини баҳолаши кимлар томонидан ўтказилади?*
3. *Ҳар хил турдаги ҳайвонларни танлашининг ўзига хос хусусиятларини изоҳлаб беринг*
4. *Молларни келиб чиқшиига кўра баҳолаши қандай бажарилади?*
5. *Ҳайвонларни екстерерига кўра баҳолашида нималар еътиборга олинади?*

Мавзу № 4. Қишлоқ хўжалик ҳайвонларини урчишиш усуллари.

Мавзу бўйича асосий саволлар:

1. Тоза (соф) зотли урчишиш ва унинг турлари (генеалогик гурух, инбридинг, тизимли ва оилали урчишиш)
2. Чатиштириш ва унинг турлари.
3. Турлараро чатиштириш ёки дурагайлаш (гибридизация).
4. Гетерозис ва уни ҳайвонлар селексиясида қўллаш. Сермаҳсул зот яратишида дурагайлашнинг тутган ўрни.

Мавзуга оид таянч тушунчалар ва иборалар: тоза зотли урчишиш, чатиштириши, турлараро чатиштириши, дурагайлаш, инбридинг, тизим, оила, гетерозис, оддий чатиштириши, мураккаб чатиштириши.

1- саволнинг баёни. Тоза (соф) зотли урчишида урчишилаётган еркак ва урғочи ҳайвонлар бир хил зотга мансуб бўлади. Чорвачилиқда маданийлаштирилган, юқори маҳсулдорли зотларгина тоза ҳолда урчишилади ва улар ўз ирсий хусусиятларининг устунлиги билан ажралиб туради.

Чорва моллари ва барранда зотларини тоза ҳолда урчишида қўйидаги тадбирлардан фойдаланилади:

- 1) насл учун енг юқори кўрсаткичга ега бўлган маҳсулдор вакилларни танлаш;
- 2) еркак ва урочи вакилларни селекцион белги ва хусусиятларига кўра саралаш;
- 3) олинган наслни мақсадга мувофиқ боқишиш ва парвариш қилиш.

Дунёга машҳур бўлган майин жунли меринос зот қўйлар, араби зот отлар, қимматбаҳо қоракўл, енг йирик ҳисори қўй зотлари, анн шундай тоза зотли урчишиш усули асосида яратилган. Бу усулнинг камчилиги шундан иборатки, зотнинг сифатини яхшилаш жуда секинлик билан боради. Лекин бунинг учун бошқа йўл ва усуллардан фойдаланиб бўлмайди. Масалан, қоракўл терисининг сифатини яхшилаш учун бошқа зотлардан фойдаланиб бўлмайди, акс ҳолда терининг сифати ёмонлашиб кетиши мумкин. Ҳисори қўйларнинг жун маҳсулдорлигини ошириш ва сифатини яхшилаш мақсадида бошқа зотлар билан чатиштирилиши, уларнинг гўшт ва ёғ маҳсулдорлигига салбий таъсир кўрсатган. Бинобарин, урчишиш ишлари фақат муайян зот ичида олиб борилади.

Соф зотли урчишишнинг ҳам бир неча усуллари қўлланилади. Чорва моллари ва паррандалар соф ҳолда урчишилганда еркак ва урғочи вакиллари бир-бирига қариндош ёки бегона бўлиши мумкин. қариндош бўлган вакилларни ўзаро урчишиш инбридинг дейилади. Бунда битта ота-онанинг еркак ва урғочи насли ўзаро ёки ота-онаси билан урчишилиши мумкин.

Инбридинг амалиётда камдан-кам қўлланиладиган усулдир. Бу усулни қўллашдан асосий мақсад, саралаш натижасида юзага чиққан ноёб белги ва хусусиятни келгуси авлодда мустаҳкамлаш, ҳамда бирор камчиликни ёки кўрсаткични бартараф қилишдан иборат. Лекин бу усулдан фойдаланилганда олинган наслнинг ҳаётчанлиги ва чидамлилиги пасайиб кетади. Агар кетма-кет

икки- уч авлодда қўлланилса нимжон, ориқ, майда, ҳатто ўлик бола туғилиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу усул фақат айрим ҳоллардагина қўлланилади.

Тизимлар бўйича урчиши. Бу зот ичидаги айрим хусусиятлари (маҳсулдорлиги, ташқи тузилиши) жиҳатидан бир-бирига ўхшаш бўлган ва юқори маҳсулдорли еркак вакилларидан келиб чиқсан гуруҳдир. Тизимлар бўйича урчишида еркак ҳайвонларнинг генотипик хусусиятларидан фойдаланилади.

Оила. Ҳар бир зот таркибида бир неча оиласлар бўлади. Оила ҳар бир соф урғочи (сигир, бия, чўчқа, совлик) вакилларидан тарқалган урғочилар гуруҳидир. Зот таркибида оиласлар тизимларга нисбатан пастроқ туради.

Мухокама учун саволлар:

1. Чорвачиликда қишилоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларни урчишининг қандай усулларини биласиз?
2. Тоза (соф) зотли урчиши усулларини айтиб беринг
3. Инбридинг деб нимага айтилади?
4. Тизим ва оила тўғрисида тушунча беринг.

2-саволнинг баёни. Чорвачилик амалиётида чорва моллари ва паррандаларни тоза(соф) ҳолда урчиши билан бир қаторда чатиштириш усулли ҳам кенг қўлланилади.

Агар урчилилаётган чорва моллари ва паррандалар турли хил зотларга мансуб бўлса ёки улардан бири дурагай бўлса, бундай урчиши чатиштириш дейилади. қўйилган мақсадга кўра чатиштириш бир неча турга бўлинади:

- 1) саноат асосида чатиштириш
- 2) галма-гал чатиштириш
- 3) қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида чатиштириш;
- 4) қон қуиши йўли билан чатиштириш;
- 5) янги зот яратиш мақсадида чатиштириш.

Саноат асосида чатиштириш деганда биринчи бўғин дурагайларида гетерозис (ота-она кўрсаткичларидан ўзиб кетиши) хусусиятидан фойдаланиш мақсадида икки хил зотни бир-бири билан қочириш тушунилади. Олинган дурагайларнинг кўпчилиги жадал суратда бўрдоқига боқилиб саноат мақсадида гўшт этиштириш мақсадида фойдаланилади.

Галма-гал чатиштириш саноат асосида чатиштиришга ўхшаш бўлади. Лекин бу усул фақат товар фермер хўжаликларида қўлланилади ва молларнинг яшовчанлигини ошириш ҳамда маҳсулдорлигини қўпайтириш имконини беради. Бундай чатишда иккита ёки ундан кўпроқ зот иштирок етади. Бир марта чатиштирилгандан сўнг урғочи дурагай вакилларининг яхшилари танлаб олинади ва яна дастлабки зотнинг еркакларидан қайта қочирилади. Бу усулнинг афзаллик томони шундаки, барча товар фермаларида соф зотли, сермаҳсул еркак вакилларидан урғочилар галма-гал қочирилаверилади. Наслчилик фермаларида бу усул қўлланилмайди.

Қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида чатишириш. Бу усулда чорва моллари зотини тубдан ўзгартириш мақсадида бошқа зотлардан фойдаланилади.. Масалан, кам маҳсулдорли жайдари урғочи моллар юқори маҳсулдорли зотга ега бўлган еркак вакилларидан қочирилади. Чатишириш натижасида вужудга келган биринчи бўғин дурагайларининг еркаклари гўштга топширилади, урғочилари esa яня яхшиловчи зот билан чатиширилиб, иккинчи авлод олинади ва уларнинг қонида яхшиловчи зотнинг қони 3F4 ҳиссани ташкил етади. Сўнг шу усулда учинчи авлод олинади ва унинг қонида 7F8 ҳисса яхшиловчи зотнинг қони бўлади. Тўртинчи авлоднинг еркак ва урғочи вакилларида 15F16 нисбатда қон қўшилган бўлса, бешинчи авлодда у 31F32 ни ташкил етади. Бу усул чорвачиликда кенг қўлланилади.

Ўзбекистонда маҳаллий сигирлар шу усулда гўштдор санта –гертруд, абердин-ангус, қозоқи оқбоҳ ва герефорд зотли буқалари билан қочирилган ва ижобий натижаларга еришилган.

Қон қўйиш усулида чатишириш. Бу усулдаги чатиширишда асосан бирор зотнинг барча хусусиятларини тубдан ўзгартирган ҳолда, фақат бирор камчилиги ёки заиф томонини яхшилаш билан чекланади. Бунда асосан яхшиловчи зот яхшиланувчи (асосий) вакиллари билан фақат бир марта чатиширилади.

Янги зот яратиш мақсадида чатишириш (завод усулида чатишириш). Бу усулда иккита ёки ундан кўпроқ зот ўзаро чатиширилади. Бундан кўзланган асосий мақсад барча ижобий хислатларга ега бўлган янги зот яратишдан иборатdir. Бунда иккита зот қатнашса оддий чатишириш, бир неча зот қатнашса мураккаб чатишириш дейилади.

Муҳокама учун саволлар:

1. Чатишириши деб нимага аталади?
2. Кўйилган мақсадга кўра чатишириши усули қандай турларга бўлинади?
3. Саноат асосида чатишириши деганда нимани тушунасиз?
4. Галма-гал чатиширишининг мақсади ва моҳиятини изоҳлаб беринг.
5. Қон сингдириши усулининг моҳияти нималардан иборат?
6. Қон қўйиши усулида чатишириши нима мақсадда қўлланилади?
7. Янги зот яратиш мақсадида чатишириши хилларини тушунтириб беринг.

З-саволнинг баёни. Турларабо чатишириш ёки дурагайлаш (гибридизация). Биронта зот ёки сермаҳсул дурагай олиш мақсадида иккита ҳар хил турга мансуб бўлган ҳайвонни бир-бири билан чатишириш дурагайлаш (гибридизация) дейилади.

Дурагайлаш натижасида сермаҳсул, чидамли ва ишчан гибрид ҳайвонлар етишириш мақсадида чорвачиликда азалдан қўлланиб келган. Масалан, от билан ешакни чатишириш натижасида ўта ишчан ва чидамли хачир олинган. Шунингдек, ёвойи архар қўчкорларининг уруғи билан майин жунли меринос қўйлари қочирилиши натижасида сермаҳсул ва тоғ шароитига мослашган архаромеринос қўй зот яратилган.

Лекин чорвачиликда дурагайлаш усули кам қўлланилади. Чунки, айрим ҳолларда дурагай авлодлар қисман ёки мутлақо насл бермайдиган бўлади. Мутлақо насл бермайдиган дурагайлар – хачирлардир. Қўтос билан сигирлар чатиштирилишидан олинган дурагайларнинг фақат урғочилари насл бериши аниқланган. Сигирлар билан зебу буқалари, архар қўчкорлари билан меринос ва қоракўл қўйлари қочирилиши натижасида насл бериш хусусиятига ега бўлган дурагай авлодлар олинган.



16-расм. Турлараро чатиштиришдан олинган дурагай ҳайвонлар.

Умуман, сермаҳсул, чидамли ва ҳаётchan гибридлар етиштиришда бу усул маълум даражада аҳамиятга ега. Айниқса ҳали фанда ноаниқ бўлган айрим илмий жумбоқларни ҳал етишда бу усул ҳайвонот дунёсида салмоқли ўрин егаллайди.

Чорвачилик амалиётида турлараро чатиштириш натижасида кўплаб дурагай ҳайвон зотлари олинганлиги тўғрисида маълумотлар бор. Жумладан, М.Ф.Иванов томонидан қўйларнинг ёввойи аждоди – муфлон билан майин жунли аскания рамбулеси зотини чатиштириш натижасида тоғ мериноси номли янги майин жунли қўй зоти яратилди. Ушбу зотга мансуб ҳайвонлар ёввойи қўчкор – муфлондан тоғ тизмаларида тез ҳаракатланиш, узоқ масофаларни босиб ўта олиш, баланд тоғларда яшай олиш ва у ердаги тоғ яйловларида ўтлай олиш каби ирсий белгиларни наслдан оған бўлса, рамбуле зотидан, майин жунли қўйларга хос бўлган жуннинг қимматли технологик сифат кўрсаткичлари (толанинг чўзилувчанлик, жингалаклик, ингичкалик, терёғлилик ва б) наслга ўтган.

Қозоқистон Республикаси худудида худди шундай турлараро чатиштириш усули билан майин жунли архармеринос қўй зоти яратилган. Бу

зотни яратища ёввойи тоғ қўчкори – архар ва майин жунли прекос қўй зотидан фойдаланган.

Гўштбоп қорамолчиликда ҳар хил зотларни бир-бири билан чатиштирилиши натижасида олинган И авлод дурагайлари ота-оналарига нисбатан тирик вазни ва гўшт сифати бўйича устунлик қиласди. Масалан, симментал зотли буқачалар 12 ойлигига 267 кг, абердин-ангусс зотли буқачалар еса 270 кг вазнга ега бўлади. Шу икки зотни ўзаро чатиштирилиши натижасида олинган дурагай (абердин-ангусс x симментал) буқачаларнинг тирик вазни еса 12 ойлигига 300,5 кг га етганлиги аниқланди.

Сут йўналишидаги қорамолчиликда дурагай авлодларда гетерозислик ҳолатининг юзага чиқиши кўпинча лактация давомида сутдан олинадиган ёғ миқдорининг кўпайишида кўзга ташланади. Хусусан, бундай гетерозислик ҳолатлари сут йўналишидаги ҳар хил зотларни жерсей зотли буқалар билан чатиштирилиши натижасида олинган.

Саноат асосида гўшт ишлаб чиқариш технологиясида мос келадиган, генетик салоҳияти юқори бўлган чўчқа зотларини яратиш мақсадида илмий тадқиқот институтлари томонидан ҳар хил чўчқа зотларини, уларнинг ёввойи аждодлари билан чатиштириш ишлари чўчқачилик селексиясида кенг кўламда олиб борилмоқда. Ҳозирги вақтда чўчқачиликда зотлараро чатиштириш натижасида олинадиган дурагай авлодларнинг 104 тадан ортиқ вариантлари қўлланилмоқда ва уларнинг аксариятида гетерозис самарадорлиги қайд етилган. Бундай самарадорлик асосан насл бериш қобилиятининг ошишида, наслининг ҳаётчанлигига ва гўшт сифатининг яхшиланишида намаён бўлади. Масалан, М.А.Селех томонидан олиб борилган тажриба натижаларига қўра, йирик оқ зотли урғочи чўчқаларни беркшир зотли еркак чўчқалар билан чатиштириш натижасида олинган И бўғин вакилларида ҳар бир килограмм тирик вазни учун 0,5 – 1 кг озиқа бирлиги миқдорида кам озиқа сарфланган. Худди шундай натижалар К.А.Крўлов томонидан йирик оқ зотли чўчқаларни брейтов зоти билан чатиштириш бўйича ўтказилган тажрибада ҳам олинган.

Гетерозислик эффектигининг юзага чиқиши бўйича паррандачиликда жуда кўп маълумотлар тўпланган. Паррандаларда хўжалик аҳамиятига ега бўлган белгиларнинг мос келишлик хусусияти бўйича олинган авлодларини, улар бир зотдан, ёки бошқа-бошқа зотлардан келиб чиқишидан қатъий назар, дурагай (гибрид) дейилади.

Гетерозислик самарасининг юзага чиқиши ҳолатлари тўрут тизимли дурагай авлодларда кузатилади. Бундай тўрттизимли дурагайлар олиш учун аввал оталик тизимларини ўзаро чатиштириш натижасида хўроздлар, иккита оналик тизимларни чатиштириш натижасида макиёнлар олиниб, уларни ўзаро чатиштирилади ва тўрттизимли дурагай товуқлар олинади. Шу йўл билан яратилган тизимлараро дурагайларнинг тухумдорлиги, оддий соф зотли урчишига нисбатан 25-30 % юқори бўлади. Буларга “Гибро-4”, “Старбрю-15” ва бошқа кросс тизимларни кўрсатиш мумкин.

Муҳокама учун саволлар.

1. Дурагай авлод деганде нимани тушунасиз?

2. *Дурагайлаш натижасида яратилган майинжунли қўй зотларига мисол келтиринг.*
3. *Гўштбон қорамолчиликда дурагай авлод вакилларининг афзалликлари нимада?*
4. *Чўчқачиликда дурагай авлодларнинг қандай варианtlари яратилган ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириб беринг.*
5. *Паррандачиликда дурагай кроссларнинг қандай вакилларини биласиз?*

4-саволнинг баёни.(Гетерозис ва уни ҳайвонлар селекциясида қўллаш. Сермаҳсул зот яратишда дурагайлашнинг тутган ўрни.)

Гетерозис самарадорлигидан ҳайвонлар селекциясида жуда кенг фойдаланилади. Ҳайвонларни урчишиш тажрибалари шуни кўрсатадики, гетерозис самарадорлиги барча ҳайвонларни чатиштирилганда ҳам юзага чиқавермайди. Шу билан бирга, гетерозиснинг самараодорлик даражаси ҳам доимо бир хил бўлмайди.

Ҳайвонлар селекциясида гетерозисдан ҳайвонларнинг яшовчанлик қобилиятини ошириш, ўсиш суръатини жадаллаштиришда, ҳайвонларнинг насл бериш қобилиятини оширишда, конституциясини мустаҳкамлашда, ҳар хил касалликларга бардошлилигини ва мустаҳкамлигини оширишда фойдаланилади.

Чорвачилик амалиётида қўйидаги бешта шаклдаги гетерозислик ҳолатининг юзага чиқиши қўлланилади:

1. Турлараро ёки зотлараро чатиштириш натижасида олинган биринчи авлод дурагайлари тирик вазни ва яшовчанлик қобилиятига кўра ота-онасидан ўзиб кетади.
2. Биринчи авлод дурагайлари конституциявий тузилиши жиҳатидан мустаҳкамлиги, узоқ умр кўриши, жисмоний иш қобилияти бўйича ота-онасидан устунлик қилиш билан бирга, улар тўлиқ бепушт ёки қисман насл бериш қобилияти сақланиб қолади.
3. Биринчи авлод дурагайлари тирик вазни бўйича ўртacha кўрсаткичга ега бўлсада, егизаклик ва болаларининг яшовчанлик қобилиятига кўра ота-онасининг кўрсаткичидан сезиларли даражада устунлик қиласди.
4. Зот ёки пода гуруҳидаги умумий кўрсаткичлар бўйича ўртacha бўлсада, танлаш олиб бориладиган асосий селексия белгиси бўйича гетерозислик самарадорлиги юқори бўлади.
5. Турлараро ёки зотлараро чатиштириш натижасида олинган дурагайлар маҳсулдорлик кўрсаткичи бўйича ота-она зотига тегишли бўлган енг яхши кўрсаткичлардан ўзиб кетмасада, лекин ота ва онасининг ўртacha маҳсулдорлигига нисбатан анча юқори кўрсаткичга ега бўлади.

Чорвачилик амалиётида гетерозисли ҳайвонлар олишнинг ҳар хил усуллари ишлаб чиқилган. Буларга: турлараро чатиштириш, зотлараро чатиштириш, гетероген жуфтлаш асосида битта зот ичра урчишиш, тизимлараро кросс (чатиштириш), маҳсус инбред тизимлар яратиш мақсадида кросслаш, ҳар

хил шароитда ўстирилган ҳайвонларни ўзаро урчишиш натижасида гетерозис ҳайвонлар олиш киради.

Турлараро чатиштириш натижасида гетерозис ҳайвонлар олинишини одамлар қадимдан билишган. Айнан шу усул билан, яъни еркак (ҳанги) ешакларни ургочи от (бия) билан чатиштириш орқали дурагай ҳайвон – **хачир** олинган. Хачирлар узоқ умр кўриши, ишчанлиги (ҳар бир килограмм тирик вазнига нисбатан юк кўтара олиши) ва ҳар хил касалликларга чидамлилик қобилияти жиҳатидан от ва ешаклардан устунлик қиласди. Лекин тирик вазни бўйича от ва ешак оралиғида жойлашган бўлиб, наслдорлик кўрсаткичи бўйича хачирлар тўлиқ бепуштдир.

Икки ўркачли туяларни (бактриан) бир ўркачли (драмодер) туялари билан чатиштирилиши натижасида ҳам дурагай авлодлар олиниб, уларни нортуюлар дейилади. Нортуюлар хачирлардан фарқли ўлароқ ота-оналарига нисбатан юқори вазнга ега. Шу билан бирга, уларнинг юк кўтариш қобилияти ҳам юқори бўлиб, насл бериш қобилияти дурагай авлодларда сақланиб қолади.

Чорвачилик амалиётида турлараро чатиштириш натижасида яна қўплаб ҳайвонлар олинганлиги тўғрисида маълумотлар бор.

Муҳокамиа учун саволлар.

1. Гетерозис деганда нимани тушунасиз?
2. Ҳайвонлар селекциясида гетерозис самарадорлигидан нима мақсадларда фойдаланилади?
3. Гетерозислик ҳолатининг юзага чиқиши шаклари тўғрисида тушунча беринг
4. Чорвачилик амалиётида гетерозис ҳайвонлар олишининг қандай усуллари ишилаб чиқилган?
5. Хачир олиши усулиниң моҳиятини изоҳлаб беринг
6. Нортуюлар қандай қилиб олинади ва уларнинг афзаллик томонлари нимада?

Мавзу № 5. Ҳайвонлар селексиясида биотехнологик усуллардан фойдаланиш.

Мавзу бўйича асосий саволлар.

1. Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш усули ва унинг селексия самарадорлигини оширишдаги аҳамияти.
2. Трансген ҳайвонлар. Суперовуляция ва жинсий майилликни синхронлаштириши. Ҳужайра ва ген инженерлиги усулларидан ҳайвонлар селексиясида фойдаланиши истиқболлари.

Таянч ибора ва тушунчалар: Еркин усулда қочириш, табиий қочириши, сунъий уруғлантириши, визосервикал, маносервикал, ректосервикал, трансген, ген инженерлиги, ҳужайра инженерлиги, тбансплантация, синхронизация, суперовуляция.

1-саволнинг баёни (Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш усули ва унинг селексия самарадорлигини оширишдаги аҳамияти.). Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш чорвачиликда қўлланиб келинаётган илғор биотехнологик усуллардан ҳисобланиб, унда еркак ҳайвоннинг жинсий органида етилган уруғлари маҳсус асбоб-ускуналар ёрдамида олинади ва урғочи ҳайвоннинг жинсий кўпайиш аъзосига жойлаштирилади (-расм).



17- расм. Ҳайвонлар селексиясида сунъий уруғлантириш усулидан фойдаланиш.

Ҳайвонларни бу усулда уруғлантириш ҳар томонлама хўжалик учун фойдали ва аҳамияти каттадир. Жумладан, сунъий уруғлантириш орқали маҳсулдорлик кўрсаткичлари бўйича енг яхши бўлган еркак ҳайвонлардан қисқа вақт ичida минглаб юқори сифатли насл олиш, гигиена жиҳатдан тоза ва озода бўлиш, ҳар хил жинсий инфекцияли касалликлар тарқалишининг олдини олишга еришиш мумкин. Еркин усулда битта буқа билан бир йил давомида 30-40 бош сигирлар урчитилса, қўлда қочиришда бу кўрсаткич 60-80 бошни ташкил қиласи, сунъий уруғлантириш усули қўлланганда еса ўртacha 800-1000 бош, кўпига билан 20 минг бошгача сигирларни уруғлантириш мумкин бўлади.

Бу усулнинг яна бир афзаллиги ҳайвонлар қисир қолишининг олдини олиш ҳисобланади. Чунки сунъий уруғлантириш жарайнида уруғ (сперма) нинг сифати ҳамма вақт назорат қилиб борилади.

Хозирги вақтда уруғларни -196°C ли суюқ азотда музлатилган ҳолда узоқ муддатда сақлаш усули ишлаб чиқилган. Бундай уруғлар бир неча ой ва йиллар давомида сақланганда ҳам ҳаётчанлиги йўқолмаганлиги аниқланган. Шу усулда уруғни бир шаҳардан иккинчи шаҳарга ёки бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга олиб бориб фойдаланиш мумкин. Сигирларни сунъий уруғлантиришдан олдин уруғ солинган ампулалар $38\text{-}40^{\circ}\text{C}$ ли илиқ сувда 2-3 минут сақлаб еритилади ва уруғнинг сифати микроскопда текшириб кўрилади.

Чорва молларини сунъий уруғлантиришнинг визосервикал, маносервикал ва ректосервикал усуллари қўлланилади.

Сунъий уруғлантириш усулининг бундай афзаллик томонлари, уни чорвачилик амалиётида кенг қўллаш имкониятини яратди. Хозирги кунда ушбу усусл билан дунё бўйича ҳар йили 100 млн дан ортиқ (50% га яқин) сигирлар урчитилмоқда. Чехия, Словения, Дания, Финландия, Венгрия каби давлатларда 100% сигирлар сунъий уруғлантирилади. Бу кўрсаткич Францияда 95% , Германия ва Полшада – 88% ни ташкил етади. АҚШ да ушбу усулдан фойдаланиш натижасида кейинги 20 йил ичидаги сут ишлаб чиқариш ҳажми 30% га ошди.

Сунъий уруғлантириш усулидан кенг фойдаланиш натижасида қўй зотларини сифат жиҳатдан яхшилашга ва такомиллаштиришга еришилди. Жумладан, чорвачилик хўжаликларида сунъий уруғлантиришни оммавий қўлланилиши натижасида қисқа муддатда дағал жунли қўйлар майин ва яриммайин жунли қўй зотларига айлантирилди, мўйнали ва пўстинбоп қўйлар сонини кескин кўпайтирилди, кавказ, олтой, ставропол зотли майин жунли, гўшт-ёғ-жун йўналишидаги тоҷик зотли, республикамизда оҳангарон типидаги яриммайин жунли-гўштбоп қўйлар гуруҳи яратилди.

Сунъий уруғлантириш орқали ҳайвонларда трихономоз, бруцеллез, вибриоз каби бир қанча юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олишга еришиллади. Бундай касалликлар узоқ муддат давомида сигирларнинг бепушт бўлиб қолишига сабабчи бўлиб, чорвачиликка катта иқтисодий зарар етказади. Шунингдек, хўжалиқда ҳайвонларни урчиши мақсадида наслдорлик сифати текширилмаган, генотипи номаълум бўлган кўплаб буқаларни йиллар давомида асраш зарурати қолмайди, натижада ортиқча ем-хашак сарфлаш ва уларни қараш учун бошқа харажатлар ҳажми қисқаради.

Селексия ишларида дурагайлик кучи ва гетерозислик еффектидан фойдаланиш имконияти кенгаяди, шу билан бирга инбридинг (яқин қариндош ҳайвонларнинг ўзаро урчилиши) ҳолатлари назорат қилиб борилади ва унинг зарарли оқибатларининг олди олинади.

Сунъий уруғлантириш усулидан кенг фойдаланиш, уларни такомиллаштириш, барча ёшдаги ҳамда она молларнинг катта – кичиклиги, сунъий уруғлантириш техникининг билими, иш тажрибаси ва малакасини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги усуллари ишлаб чиқилган ва амалда қўлланилмоқда:

1. Визо-сервикал усули;
2. Мано-сервикал усули;
3. Ректо-сервикал усули.

Визо-сервикал усулида сунъий уруғлантиришда сигир ва таналарнинг бачадонига сперма қин ойнаси ва шприц-катетер ёрдамида киритилади.

Мано-сервикал усулида сигирларни сунъий уруғлантиришда сперма ҳайвоннинг бачадон бўйинчасига қўл билан киритилади (манус – қўл деган маънени билдиради). Бунинг учун стерилланган ва бир марта ишлатиладиган полимерли асбоблардан (полиестиленли ампула, полистиролли катетер ва полиестиленли қўлқоп) фойдаланилади.

Сигирларни ректо-сервикал усулида сунъий уруғлантиришни ҳозирги кунда амалиётда кенг тарқалган визо- ва мано-цервикал усулларига нисбатан бир қанча афзаллик томонлари мавжуд. Ректо-сервикал усулнинг афзаллиги шундаки, бачадон бўйинчаси, танаси ва шохчаларининг, тухумдон, айrim ҳолатларда тухум йўлларининг ҳолатини пайпаслаб аниқлаш мумкин бўлади, бўғоз сигирларни қайтадан уруғлантиришнинг олди олинади.

Жинсий органлар ҳолатини тўғри ичак орқали текшириб кўриш, баробарида, бачадон ҳаракатини кучайтиришга ҳам еришилади. Натижада бачадонга киритилган сперматазоидларнинг тухум хужайрасига томон ҳаракатланиши тезлашади.

Спермани бачадон бўйинчаси каналининг анча ичкарисига киритиш ишончлилиги таъминланади, шу билан сперматазоидларнинг қинга қайта оқиб тушишининг олди олинади.

Қиннинг шикастланиши, жароҳатланиши ва яллигланиш оқибатида унга инфекция тушиш ҳолатларининг олди олинади, визо-цервикал усулда уруғлантирилганда бундай ҳолатлар тез-тез учраб туради.

Сигирларни уруғлантириш баҳоси арzonлашади, чунки қин кўзгуси, шприц-катетерлар ва дезинфекцияловчи воситалар учун сарфланадиган ҳаражатларга зарурат қолмайди.

Мұхокама учун саволлар.

1. Сунъий уруғлантириши усулининг можияти ва афзалликларини тушуунтириб беринг.
2. Қандай қилиб сунъий уруғлантириши учун ишлатиладиган сперматазоидларни узоқ муддатда сақлашига еришилади?
3. Нима учун ҳайвон уруғларини чуқур музлатиш усули қўлланилади?
4. Чорва молларини сунъий уруғлантиришининг қандай усулларини биласиз?

2-саволнинг баёни(Трансген ҳайвонлар. Суперовуляция ва жинсий майилликни синхронлаштириши. Ҳужайра ва ген инженерлиги усулларидан ҳайвонлар селекциясида фойдаланиши истиқболлари.

Ҳозирги вактда чорвачиликнинг енг долзарб муаммоларидан бири, бу ембрионлар трансплантацияси ҳисобланади. Ушбу муаммонинг ижобий ҳал


етилиши чорвачиликда селексия ишларини жадаллаштиришнинг муҳим омили бўлиб қолди. Ембрионни қўчириб ўтказиш ёрдамида юқори маҳсулдорли сигирлардан олинадиган наслли моллар сонини тубдан қўпайтиришга еришиш мумкин.

Ембрионлар трансплантацияси (ембриотехнология), бу чорва моллари наслини яхшилашнинг биотехнологик усули бўлиб, унда наслли она моллардан битта ёки бирнечта ембрионларни олиб, бошқа кам маҳсулдорли, наслиз сигирларнинг бачадонига қўчириб ўтказилади ва у ерда қўчириб ўтказилган ембрион туғилганча ривожланишни давом еттиради.

Ембрионлар трансплантацияси натижасида юқори маҳсулдорли, қимматли генетик материални бир мамлакатдан бошқасига олиб бориш ва генофонд материалини ўзаро алмашиниш, ембрионни сунъий муҳитда консервациялаш евазига танлаб олинган генетик материални узоқ вақт сақлаш ва фойдаланиш имконияти пайдо бўлади.

Ембрионни трансплантация қилиш усули чорва молларини урчитишда муваффақият билан қўлланилиб келинмоқда. Дунё бўйича ҳар йили 1 миллиондан ортиқ бузоқ трансплантация йўли билан олинмоқда. АҚШ, Буюк Британия, Дания, Ирландия, Канада, Германия, Австралия каби чорвачилиги ривожланган давлатларда муртакни трансплантация қилиш марказлари фаолият юритмоқда.

Хужайра инженерияси фанининг ривожланиши натижасида тадқиқотчилар хужайра генотипини қайта тузиш ва генотипга мақсадга мувофиқ бўлган ёт генларни топиш ва киритиш евазига хужайра ирсиятини ўзгартириш имконига ега бўлдилар. Ирсияти ўзгартирилган ҳайвоннинг тухум хужайрасидан сунъий шароитда етук организм яратиш биотехнологияси ишлаб чиқилди. Жумладан, Австралиялик олимлар дунёда биринчи бўлиб “трансген” қўйлар яратишга муваффақ бўлдилар. Бунда қўзи ембрионига ўсиш гормонини назорат қилувчи ген киритилди. Бу жараён қўйидагича амалга оширилди. Қўйларнинг ўсиш гормонини назорат қилувчи ген ембрионга битта хужайрадан иборат бўлган дастлабки оталаниш даврида киритилади. Кейин, ушбу трансген бошқа қўй бачадонига қўчириб ўтказилади ва унда ембрион ривожланиб, етук трансген қўзи туғилади. Бундай эксперимент ўтказилиши натижасида, табиий қўйларга нисбатан 1,5 баравар катта ва 1,3 баравар тез ўсадиган қўйлар яратиш имконига ега бўлади. Шу вақтгача олимлар томонидан “трансген” сичқонлар олишга еришган едилар, америкалик тадқиқотчилар еса одамнинг ўсиш гормони генини чўчқаларнинг ирсий (ДНК)аппаратига киритишга еришганлар (- расм).



18 - расм. Трансген ҳайвонлар олиш усули.

Ҳайвонлар ембрионини трансплантация қилишда, юқори маҳсулдорликка ега бўлган донор сигирлар танлаб олинади. Уларни суперовуляциялаш натижасида бир вақтнинг ўзида тухумдонда бир нечта тухум хужайраларининг етилишига ва сперматазоидлар билан оталанишига еришилади. Оддий шароитда сигирларнинг ҳар бир жинсий сиклида 1 та тухум хужайраси етилиб чиқса, суперовуляцияда 3-8 тадан 50 тагача тухум хужайралар етилиши мумкин. Оталанган ембрионлар донор сигир бачадонидан ювиб олинади ва кам маҳсулдорли, лекин жинсий етилган ва жинсий аъзолари яхши ривожланган реципиент сигирларнинг бачадонига кўчириб ўтказилади.



19-расм. Суперовуляция ва ембрион трансплантацияси натижасида олинган бузоқлар.

Ембриобиотехнология ва ген инженерлиги усули билан химерли ҳайвон, яньни ярми қўй ва ярми ечкига ўхшаш бўлган ҳайвонлар олишга еришдилар. Уларнинг ташқи тузилиши ечкига ўхшасада, қўйларники сингари сержун бўлган.

Хозирги вақтда биотехнологик усуллар асаларичилик, балиқчилик, ипакчилик каби чорвачилик тармоқларида ҳам қўлланилмоқда.

Муҳокама учун саволлар:

1. Ембрион трансплантацияси усулининг моҳиятини изоҳлаб беринг
2. Ҳайвон ҳужайраси инженерлигининг қандай ўзига хос хусусиятлари бор?
3. Юксак ҳайвонлар клонини олиши биотехнологияси қачон ва ким томонидан биринчи марта амалга оширилди?
4. “Трансген” қўйлар қандай ва қайси давлат олимлари томонидан яратилди?
5. Олимлар томонидан трансген ҳайвонларнинг турларини олишга еришилди?
6. Трансген ҳайвонлар олиши ва ембрионни трансплантация қилиши технологиясини изоҳлаб беринг.

I.2. АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРИНИ БАЖАРИШ ЮЗАСИДАН КҮРСАТМАЛАР

1-амалий машгүлөт

Мавзу: Қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг экстеръерини ўрганиш

Дарснинг мақсади: Талабаларга қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг экстеръери тўғрисида тушунча бериш ва экстеръери бўйича баҳолашни ўргатиш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: қорамол, от, чўчқа, кўй ва парранда муляжи ёки фотосурати ва конспект дафтари, қалам, чорва молларини экстеръйери бўйича баҳолаш шкаласи, ўлчов таёғи, сиркули ва лентаси.

Ишнинг назарий баёни: Экстеръер деганда, ҳайвон танасининг ташқи кўриниши ва тана қисмларининг жойлашуви тушунилади. Ҳайвонларни экстеръерига кўра баҳо бериш муҳим аҳамиятга ега бўлиб, бунда уларнинг зот талабларига кўра тана тузилиши, ихчамлиги, конституцияси, физиологик фаолияти, саломатлиги ҳисобга олинади. Масалан серсут сигирларни экстеръерига кўра гўштдор сигирлардан фарқ қилиш ва уларга баҳо бериш анча қулай. Бундай фарқлар кўз билан чамалаб аниқланади. Серсут сигирларнинг қорни ва йелини катта, йирик ҳажмли, бўйни ва оёқлари узун, ингичка, боши йенгил, териси юпқа ва чўзилувчан, яъни еластик ва тери остидаги ёғ қавати юпқа бўлса, гўштдор сигирларда бунинг аксини кўриш мумкин.

Ҳайвонларни экстеръерига кўра баҳолашда бир неча: кўз билан чамалаш, ўлчаш, расми асосидаги усувлардан фойдаланилади. Кўз билан чамалаб баҳолаш икки хил бўлади:

- 1) зот хусусиятларн яхши ифодаланганлиги, мучалари асосида ривожланганлиги ва соғлиғи белгиларини аниқлаш;
- 2) тана қисмларини балл шкаласи асосида баҳолаш. Сўнгги йилларда 10 балли баҳолаш шкаласидан фойдаланилади.


Ҳайвонлар экстеръерини кўз билан чамалаб баҳолашда аниқ кўрсаткичларга эга бўлиш қийин. Бинобарин, ҳайвонлар танасининг қисмлари ўлчов таёғи, ўлчов циркули, штангенциркул, рулетка (ўлчов лентаси) билан ўлчанади. Шу асосда ҳайвонларнинг тана индекслари ҳисобланади. Индекс тананинг бирор қисми ўлчов кўрсаткичининг иккинчи қисмига бўлган нисбатидир, у просент билан ифодаланади. Индекс кўрсаткичлари асосида ҳайвонларни ориқ-семизлиги, маҳсулот йўналиши ва ҳоказоларни аниқлаш мумкин.

Зотли ва наслдор молларга экстеръерига кўра баҳо беришда жинсий белгиларнинг ривожланганлигига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади. Умуман молларга экстеръери асосида баҳо беришда улар танасининг барча қисмлари (елкаси, бели сағриси, кўкраги, қорни, оёқлари, урғочиларида елини ва ҳоказолар) ҳисобга олинади. Шунга кўра молларни ўн балли система асосида баҳолаш қабул қилинган. Бунда ўн балл олган ҳайвон ҳамма жиҳатдан юқори

даражада, ҳеч қандай камчиликларсиз ҳисобланади. Агар бирор камчилиги аниқланса, у ҳолда бериладиган балл қисман пасайтирилади. Молларнинг екстерийерига янада аниқ баҳо бериш учун ўлчов асбоблари ва ленталари ёрдамида улар танасининг қисмлари ўлчанади. Масалан, бошининг узунлиги, пешонасининг кенглиги, йелинининг чуқурлиги ва айланаси, яғрин, бел ва думғаза баландлиги, кўкрак чуқурлиги, курак орти қўкрак айланаси ва унинг кенглиги, гавдасининг қия узунлиги, поча айланаси ва ҳ.к.

Ҳайвонлар организмининг морфологик, физиологик ва биохимиявий хоссалари ва белгилари комплекси уларнинг конституцияси дейилади. У ҳайвонлар маҳсулдорлигини, қайси мақсадда бо-қилишини ва ташқи муҳит шароитига мослашиши даражасини ифодалайди.

Конституция ҳайвонлар хужайраси, тўқима ва органларнинг умумий ва оддий кўрсаткичи бўлмасдан, балки барча хоссаларининг бир-бирига боғлиқ ҳолдаги ягона мураккаб бирлашмасидан иборат. Конституция белгилари молларни мақсадга мувофиқ танлаш ва саралаш, боқиш ва парвариш қилиш натижасида улар маълум йўналишга ега бўлишидан иборат бўлади.



20-расм. Ўлчов таёғи, сиркули

Конституция типлари. Молларнинг ташқи кўринишига, органларининг ривожланганлигига ва улардан хўжаликда фойдаланиш усулларига кўра, П. Н. Кулешов 4 та (нозик, қўпол, пишиқ ва бўш) конституция типи мавжудлигини кўрсатди. Лекин чорва моллари орасида бу тўрт конституция типи соғ ҳолда учрамасдан, кўпроқ бири иккинчисига қўшилган ҳолда бўлади. Масалан: И-нозик-пишиқ; ИИ - нозик-бўш; ИИИ - қўпол-пишиқ ва ИВ - қўпол-бўш.

Ишни бажариш тартиби:

1-топширик. Берилган фотосурат ва контурлар асосида ҳайвонларнинг ташқи тузилишини, тана қисмларининг жойлашишини ўрганинг: ҳар бир тана қисмларининг чегарасини ажратинг ва тегишли рақамлар билан белгилаб чиқинг.


2-топшириқ. Расмлар асосида ҳайвонлар танаси тузилишидаги асосий камчилик ва нүкssonларини кўрсатинг (бошининг ўсиб кетиши, дағал бошли сигир, яғринининг узун ва ингичкалашуви, оёқларининг егилган ҳолатда босиши, белининг осилиб қолиши, орқасининг ингичкалашуви, орқа оёқларини X-симон қўйилиши) ва унинг сабабини тушунтириб беринг.

3-топшириқ. Расм асосида чорва моллининг тури ва йўналиши бўйича екстеръерини баҳоланг. Бунда ҳар бир тана қисмларини алоҳида баҳоланг ва умумий баҳолар натижасига кўра қайси синфга лойиқ еканлигини аниқланг.

Топшириқ натижаларини иш дафтaringизга кўчириб олинг.

Адабиётлар:

1. Икромов Т.Х. Қорамолчилик ва сутчилик асослари. -.:Ўқитувчи, 1989, 248б.
2. Борисенко Е.Я., Баранова К.В., Лисицын А.П. Практикум по разведению сельскохозяйственных животных М.: Колос, 2012., 232с.
3. Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асосларидан амалий машғулотлар. Урганч, 2010, 88 б.(Ўқув қўлланма).
4. Икрамов Т.Х. – Чорвачилик асослари. Дарслик. Ўқитувши, 1996.



21-расм. Сигир тана қисмларининг чегараси



22-расм. Қора-ола зотли сигир



23-расм. Швиц зотли сигир.



24-расм. Ваннасимон шаклда ривожланган сут елини

2-амалий машғулот

Мавзу: Ҳайвонларни интеръер кўрсаткичлари асосида баҳолаш.

Дарснинг мақсади: Талабаларга тажриба натижалари ва маълумотлар асосида ҳайвонлар маҳсулдорлигининг интеръьер кўрсаткичлари билан боғлиқлигини тушунтириш.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Сигирларнинг индивидуал карточкаси (№ 2-суг шакли), сут ва сут-гўшт йўналишидаги қорамоллар бонитировкаси тў-ърисида услубий кўрсатма, интеръер кўрсаткичлар тўғрисидаги жадвал маълумотлари, калькулятор, ручка, қалам

Ишнинг назарий баёни: Ҳайвонлар ички органларининг морфологик (анатомик ва гистологик), физиологик ва биохимиявий хусусиятлари йиғиндиси уларнинг интеръьери дейилади.

Ҳайвонларнинг интеръьери соҳасидаги қонуният ва назариялар йирик совет олими, академик Е. Ф. Лискун томонидан яратилган бўлиб улар чорвачиликда катта бурилиш ясади. 1912 йили Лискуннинг сут безларининг гистологик тузилиши ва уларнинг серсутликка боғлиқлиги ҳақидаги асари нашр етилгач, бу йўналишга асос солинди. Кейинроқ кўплаб яратилган асарлар бу йўналишни бойитди. Масалан, молларнинг барча орган ва тўқималари ҳамда без ва қон елементларининг, нерв учлари (иннервация)ни, тери, жун ва ҳоказоларнинг улар маҳсулдорлигига, вазни, ёши, жинсига, озиқланиш, мосланиш хусусиятларига, конституциясига, екстеръьери ва ҳоказоларга алоқадорлиги ва чамбарчас боғлиқлик хусусиятларини ифодалаб, асослаб бериш муҳим аҳамиятга ега бўлди. Бу соҳада академик Лискуннинг шогирдларидан бири проф. Йе. А. Арзуманян ва унинг мактаби вакилларининг фанга қўшган салмоқли ҳиссалари муҳим аҳамиятга ега

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, ҳайвонларнинг интеръьер кўрсаткичлари, уларнинг маҳсулдорлиги ва соғломлигига қараб фарқ қиласди. Масалан, гўшт типидаги сигирлар, серсут сигирларга нисбатан кам сут бериб, вазни оғир, ихчамлик индекси катта, қони esa еритросит ва гемоглобинга бойроқ бўлар екан. Бундай интеръьер кўрсаткичларидағи фарқ соғим миқдори билан боғлиқдир. Юқори сут маҳсулдорликка ега бўлган сигирларнинг қонида еритросит ва гемоглобин миқдори кам бўлиб, нафас олиш ва қон томирлардаги пулс миқдори бирмунча тезлашгани кузатилади. Буни қўйидаги тажриба натижаларида кўриш мумкин:

5-жадвал.

Қора-ола зотли сигирларнинг сут маҳсулдорлиги ва айрим интеръер кўрсаткичлари

300 кунлик лактациядаги ўртacha маҳсулдорлик (кг)	Сали бўйича Гемоглобин	Еритроцитлар (млн/мм3)	Пулс (1 минут)	Нафас (1 минут)
5832,7	57,1	5,91	71,6	23,5
4036,4	65,5	6,32	68,8	18,9

Жадвал натижалари шуни кўрсатадики, сермаҳсул сигирларда модда алмашинув жараёни, кам маҳсулдорли сигирларга нисбатан бирмунча жадал борар екан.

Ҳайвонларнинг кўпгина хўжалик аҳамиятига эга бўлган белги ва хусусиятлари ҳайвон организмининг физиологик ҳолатига боғлиқлиги аниқланган. Буни қон таркиби, юрак ва ўпка ишларида (пулс ва нафас частотаси) юзага чиқишини кузатиш мумкин.

Ишни бажариш тартиби:

Кўйида келтирилган жадвал маълумотларини таҳлил қилиб, сигир авлодларининг ўсиш суръати, онасининг интерьер кўрсаткичлари билан боғлиқлигини аниқланг.

6-жадвал

Сигирнинг интерер кўрсаткичлари ва авлодларининг ўсиш суръати ўртасидаги боғлиқлик.

Ҳар хил гуруҳ ва жинсга хос бўлган авлодлари	Онасининг кўрсаткичлари				
	Тирик вазни (кг)	1мм ³ қондаги эритроцит лар миқдори (млн)	Эритроцит лар диаметри (микрон)	Қон таркиби	Қон зардобида ги оқсил (%)
Сермаҳсул буқачалар (9 бош)	599	5,4	5,7	44,0	9,0
Кам маҳсулдорли буқачалар (4 бош)	653	5,1	5,7	42,0	8,6
Сермаҳсул танаҷалар (5 бош)	645	5,7	-	44,2	9,1
Кам маҳсулдорли танаҷалар (9 бош)	650	5,1	-	47,8	8,5

7-жадвал

Сигирнинг интерер кўрсаткичлари ва авлодларининг ўсиш суръати ўртасидаги боғлиқлик.

Ҳар хил гуруҳ ва жинсга хос бўлган авлодлари	Онасиники		Авлодлариники		6 ой давомидаги ўсиш вазни
	Частотаси		6-ойликдаги вазни	Онасининг вазнига нисбатан (%)	
1 минутдаги юрак пулси	1 минутдаги нафас	Ўрта ча (кг)			
Сермаҳсул буқачалар (9 бош)	74	31	218	36,9	165
Кам маҳсулдорли буқачалар (4 бош)	73	35	164	25,1	123
Сермаҳсул танаҷалар (5 бош)	75	32	229	53,5	180
Кам маҳсулдорли танаҷалар (9 бош)	69	33	184	20,8	143

Адабиётлар:

1. Икрамов Т.Х. Қорамолчилик ва сутчилик асослари. -.:Ўқитувчи, 1989, 250б.
2. Борисенко Е.Я., Баранова К.В., Лисицын А.П. Практикум по разведению сельскохозяйственных животных М.: Колос, 2012., 232с.
3. Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асосларидан амалий машғулотлар. Урганч, 2010, (Ўқув қўлланма).
4. Икрамов Т.Х. – Чорвачилик асослари. Дарслик. Ўқитувши, 1996.

3- амалий машгулот

Мавзу: Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш

Дарснинг мақсади: Чорва молларини мутлоқ (хақиқий, абсолют), нисбий ва суткалик ўсишини аниқлаш усууларини ўрганишдан иборат.

Керакли жиҳоз ва материаллар: Ҳайвонларнинг маълум даврларда ўлчандаги маълумотлар, плакатлар, дарслик, ЗПТ асосида ёзилган муаммоли модулли ЎУМ, конспект дафтар, калкулятор, чизгич, қалам.

Ишнинг назарий баёни: Ўсиш деб ҳайвонларнинг организмида миқдорий ўзгаришларнинг юз беришига айтилади. Ривожланишда еса организмдаги ҳужайра, тўқима ва аъзоларида ўсиш билан бирга сифат ўзгаришлар ҳам содир бўлади.

Ўсиш - организм ҳажми ва салмоғининг ортиб бориши, органлари ҳам бўйига, ҳам енига катталашиб бориши ҳисобланади. Ривожланиш жараёни тухум ҳужайранинг уруғланишидан бошланиб, ҳайвонлар қаригунша давом етади.

Чорва молларининг ўсиши ва ривожланиши уларнинг ҳаётида муҳим жараён ҳисобланади. Бу жараённинг жадал ва суст боришига бир қанча омиллар таъсир кўрсатади. Буларга ҳайвонларнинг зоти ва зотдорлиги, ирсий хусусиятлари, жинси, ички ва ташқи муҳит таъсирларини мисол келтириш мумкин. Шунингдек, ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишига уларни озиқлантириш, озиқа миқдори ва турлари ҳам катта таъсир кўрсатади. Жумладан, сут ва йем билан боқилган бузоқларнинг вазни оғир ва гўштдор, кўпроқ дағал ҳашак ва серсув озиқалар биланг боқилганда еса бузоқлар бирмунча ихчам, сут маҳсулдорлиги кам бўлиши аниқланган. Ёш моллар сақланадиган хоналарда ёруғликнинг йетишмаслиги, нам ва зах бўлиши уларнинг соғлиғига салбий таъсир кўрсатади. Аксинча, қуёш нури ва сунъий ёруғлик йетарли бўлса, ёш моллар соғлом, ҳар хил касалликларга чидамли ва бақувват бўлиб ўсади.

Ҳайвон организмининг ўсиш ва ривожланиш жараёнида турли ўзгаришлар юз беради. Ҳайвонларнинг бундай индивидуал ривожланиши бир қанча умумий қонуниятларга боғлиқ. Масалан, узлуксиз, нотекис, навбатли, корреляцион, мосланиш (адаптация) қонунлари шулар жумласидандир.

Узлуксиз ривожланиш асосида организмда муайян моддалар алмашинув жараёни ётади. Бу жараён тўхтаса, индивидуал ривожланиш ҳам тўхтайди, демак, организм нобуд бўлади.

Нотекис ривожланишда организмнинг ўсиш тезлиги тўқима ва органлар ҳисобига (вазифаси ва таркиби жиҳатидан) муайян ўзгариб боради. Масалан, дастлабки ривожланиш кунларида ембрионнинг вазни секин ортади, лекин ўсиш жадаллиги (вазнига нисбатан фоиз ҳисобида) тезлашади. Ембрионнинг даврининг сўнги кунларига бориб аксинча бўлади, яъни муртакнинг вазни тез ортиб боради, лекин ўсиш жадаллиги сусаяди.

Навбатли ривожланиш барча ҳайвонлар организмда муртаклик давридан ҳаётининг охиригача давом етади. Лекин бунда навбатланиш кузатилади. У икки даврдан: яъни ембрионал ва постембрионал (туғилгандан сўнги) даврдан

иборат бўлади. Шунингдек ҳар бир давр яна бир неча босқишлардан ташкил топади. Масалан, ембрионлик даври уч босқичга бўлинади. И тухумлик даври - яъни тухум ҳужайра уруғлангандан то сегментланишигача ва бачадон деворига ёпишиб олгунгача бўлган вақт: ИИ муртаклик даври - тана қисмлари ва органларининг шаклланишигача бўлган давр; ИИИ ҳомила даври - тана қисмлари ва органларининг ўсиш даври.

Ҳайвонларнинг постембрионал ривожланиши беш даврга: яъни, янги туғилган даври, емизаклик, жинсий балоғатга йетиш даври, насл бериш ва қариш даврига бўлинади.

Корреляция организмларнинг ўсиш ва ривожланиш жараёнида муайян қонуният асосида вужудга келиши мумкин. Маълумки, организмдаги барча органлар ўзаро чамбарчас боғлиқ, бинобарин, бирон органнинг шакли ва функцияси ўзгариши, сўзсиз, бошқа органларга ўз таъсирини кўрсатади.

Мосланиш (адаптация) натижасида ҳайвон организми ўсиши ва ривожланиш жадаллигини тезлаштиради ёки сусайтиради.

Ўсиш ва ривожланиш барча турдаги чорва моллари ва паррандаларда ота-онадан ўтган ирсий ҳусусиятлар ва ташқи муҳит таъсири асосида юз беради ва барча организмлар учун бу жараён анча мураккаб ва масъулиятли ҳисобланади. Ўсиш организм ҳажми ва салмоғининг ортиб бориши, органлари ҳам бўйига, ҳам енига катталалиб бориши ҳисобланади. Ривожланиш организмдаги сифат ўзгаришлари ҳисобланади. Бу жараён тухум ҳужайранинг уруғланишидан бошланиб, ҳайвонлар қаригунча давом етади.

Ёш ҳайвонларни тўгри, соглом ўстириш учун организмнинг ўсиш қонуниятларини билиш керак. Бунинг учун ҳар хил зотдаги молларнинг ўсиш қонуниятларини билиб, уларнинг ўсиши ва ривожланишини кузатиб бориш керак. Ҳайвонларни вақти-вақтида ўлчаб, уларнинг мутлоқ (ҳақиқий, абсолют), нисбий ва суткалик ўсишини аниқлаш керак.

1. Ҳақиқий абсолют ўсиш ҳайвоннинг муайян вақт (кун, ой) ичида қўшимча ўсишидир. У :

$$M = A - B \text{ формулага мувофиқ аниқланади.}$$

Бу йерда: **M** - абсолют ўсиш

A - кейинги вазн

B - дастлабки вазн

Масалан: бузоқнинг туғилган вақтдаги вазни 28 кг, 1 ой охиридаги вазни 50 га teng. Демак, шу бузоқнинг бир ой ичидағи абсолют ўсиши қўйидагича бўлади.

$$M = A - B = 50 - 28 = 22 \text{ кг}$$

2. Суткалик ўсиш қўйидаги формула билан аниқланади.

$$C = \frac{A - B}{T}$$

Бу йерда: **C** - суткалик ўсиш

A - кейинги вазн

B - дастлабки вазн

T - икки марта тортиш орасидаги вақт (кун ҳисобида)

3. Нисбий ўсиш ҳайвоннинг муайян вақт (кун, ой) ичида ортган вазнининг дастлабки вазнига бўлган нисбатининг фоиз ифодаси бўлиб, унинг муайян даврдаги ўсиш енергиясини кўрсатади. Нисбий ўсиш қўйидаги формула билан аникланади.

$$K = \frac{A-B}{B} \times 100$$

Бу йерда: K - нисбий ўсиш
A - кейинги вазн
B - дастлабки вазн

$$K = \frac{A-B}{B} \times 100 = \frac{(50-28)*100}{28} = 78,57 \% \quad K = 78,57 \%$$

Демак бузоқнинг нисбий ўсиши 78,57 % га тенг бўлади.

Ишни бажариш тартиби:

1. Ҳайвоннинг ҳақиқий ўсиш формуласини дафтарингига ёзинг.
2. Ёзилган формулага вариантингиз бўйича 4-жадвалдан қийматни олиб ҳайвоннинг ҳақиқий ўсишини ҳисобланг.
3. Ҳайвоннинг нисбий ўсишини ҳисоблаш формуласини дафтарингизга ёзинг.
4. Ёзилган формулага берилган қийматларни қўйиб ҳисоблаш ишларини бажаринг.
5. Ҳайвоннинг суткалик ўсишини ҳисоблаш формуласини дафтарингизга ёзинг ва берилган қийматларни қўйиб ҳисоблаш ишларини бажаринг.
Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш. Берилган жадвал маълумотлари, график ва диаграммалар асосида ҳайвонларнинг мутлақ, кундалик ва нисбий ўсишини аниқлаш.

Ҳайволарни маҳсулдорлигига кўра баҳолаш. Қорамолларни сут маҳсулдорлигига кўра баҳолаш. Қорамолларни гўшт маҳсулдорлигига кўра баҳолаш.

Ҳайвонларнинг наслдорлик сифатини баҳолаш. Ҳайвонларни шажараси (келиб чиқиши) га кўра баҳолаш. Ҳайвонларни наслининг сифатига кўра баҳолаш.

Ҳайвонларни танлаш ва саралаш усулларини ўрганиш. Танлаш самарадорлигини селексия дифференсиали кўрсаткичи ёрдамида аниқлаш. Танлаш самарадорлигини ирсийланиш коеффициенти ёрдамида аниқлаш. Ҳайвонлар шажарасини таҳлил қилиш асосида саралаш режасини тузиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари:

1. Ҳайвонлар селексияси устида олиб борилган илмий ва амалий ишларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.
2. Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши, хонакилаштирилиши ва еволюцияси.
3. Ҳайвон организмининг тузилиши ва функцияси.
4. Ҳайвонларнинг индивидуал ривожланиши.
5. Ҳайвонлар ўсиши ва ривожланишининг асосий қонуниятлари.
6. Ҳайвонларнинг фенотипи ва генотипи.
7. Ҳайвонларни бонитировка қилиш тартиби ва қоидалари.
8. Қорамолларни урчиши усуслари ва селексия-наслчилик ишлари.
9. Қўйларни урчиши ва қўпайтириш асослари.
10. Парранда зотлари ва парранда селексиясидаги асосий йўналишлар.
11. От зотлари ва отларни маҳсулот йўналишига кўра танлаш.

12. Қуён зотлари ва қуёнчиликда селексия ишлари олиб бориш.
13. Гетерозис ва уни ҳайвонлар селекциясида қўллаш бўйича тажрибалар
14. Иммуногенетик назорат усууларидан ҳайвонлар селексияси амалиётида фойдаланиш
15. Трансген ва трансплантант ҳайвонлар ҳамда улардан селексияда фойдаланиш истиқболлари
16. Ирсият қонуниятларини ҳайвонлар селексиясида қўллаш.
17. Ҳайвонларни ташқи тузилишига кўра баҳолаш.
18. Ҳайвонларни интерйер кўрсаткичлари асосида баҳолаш.
19. Қўйларни жун маҳсулдорлигига кўра баҳолаш ва танлаш
20. Товуқларни тухум маҳсулдорлигига кўра баҳолаш.
21. Отларни ишчанлик сифатига кўра баҳолаш.
22. Ҳайвонларни наслининг сифатига кўра баҳолаш.
23. Линиялар схемасини тузиш ва уларнинг таҳлили.
24. Популяция (пода)нинг генеалогик таҳлили.
25. Чатиштириш ва дурагайлашда ирсий белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши.

Информацион-услубий таъминот.

Асосий адабиётлар

1. Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асослари. Тошкент, “Ношир” 2010, 223 б.
2. Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асосларидан амалий машғулотлар. Урганч, 2010, 88 б.(Ўқув қўлланма).
3. Икрамов Т.Х. – Чорвачилик асослари. Дарслик. Ўқитувши, 1996.
4. Дўсткулов С. ва бошқалар. Чорва молларини уршитиш. Қўлланма. «Мехнат», 1993.
5. Акмалхонов Т.Ш., Исамухъаммедов С.Ш., Қаҳрамонов Б.А. Чорвачилик (Услубий қўлланма). Тошкент, ТДАУ, 2000, 23 б.

Қўшимча адабиётлар

1. И.Эшматов Наслчилик субъектларида ҳисоб-китоб хужжатларини юритиш бўйича қўлланма. Тошкент, 2011, 18 б.
2. Исломхўжаев, Бобоев К., Ғуломов К. Паррандачиликдан амалий машғулотлар. Т. «Ўзбекистон», 1996.
3. Калашникова.П. ва бошқалар. «Чорва молларини озиқлантириш норма ва рационлари», «Мехнат», 1988.

4. Носиров У ва б. “Фермер бўламан” Т. “Меҳнат”2002 й -956
5. Юсупов Ю.Б., Лерман Ц., Чертовицкий А.С.ва бошқалар. Ўзбекистонда чорвачилик. Қўлланма. Тошкент, “Насаф” нашриёти, 2010 й, 154 б.
6. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низом. Тошкент, 2014 й

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

“БИОЛОГИЯ” КАФЕДРАСИ

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»
Ўқув ишлари проректори
Ф. Шарипов
«_____» 2018 й**

«ҲАЙВОНЛАР СЕЛЕКЦИЯСИ» фанининг

Таълим йўналиши: 5140100 – биология бакалавр йўналиши учун

ишчи ўқув дастури

Умумий о`қув соати - 120

Шу жумладан:

Маъруза - 10

Амалий машғулотлар - 10

Мустақил ишлар соати - 100

Гулистон-2018

Фаннинг ишчи ўқув дастури намунавий ўқув дастур ва ўқув режасига мувофиқ ишлаб чиқилди.

Тузувчи: Турдиқулов Т., ГулДУ “Биология” кафедраси доценти, к.-х. фанлари номзоди, доцент _____

Такризчи: Кулиев Т. к.-х. фанлари номзоди, доцент _____

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Биология” кафедрасининг 2018 йил “___”
даги ___ - сонли мажлисида кўриб чиқилиб, факултет Илмий-
услубий Кенгашида тасдиқлаш учун тавсия қилинди.

Кафедра мудири:

б.ф.н. З. Абдиқулов

Фаннинг ишчи ўқув дастури “Табиий фанлар” факултети илмий-услубий
Кенгашининг 2018 йил “___” _____ даги “___” - сонли мажлисида
тасдиқланди.

Факултет Илмий-услубий

Кенгаш раиси:

г.ф.н. А. Юлдашов

Фаннинг ишчи ўқув дастури университет Ўқув-услубий кенгашининг 2018
йил “___” _____ даги “___” - сонли мажлисида тасдиқланди.

Ўқув ишлари проректори

Ф. Шарипов

1.КИРИШ

“Ҳайвонлар селексияси” фанини ўзлаштириш жараёнида талабалар мазкур фаннинг қишлоқ хўжалигини, жумладан, чорвачиликни ривожлантиришдаги ўрни, ҳайвонларни хонакилаштириш таъсирида ташқи тузилиши, маҳсулдорлиги ва хулқ-атворидаги ўзгаришлар, зот тўғрисида тушунча ва зотларни яратиш, ҳайвонлар фенотипи ва генотипининг селексия белгилари билан боғлиқлиги, ўсиш ва ривожланишга таъсир етувчи омиллар, ҳайвонларни урчитиш турлари ва усуслари, ирсият қонуниятларининг ҳайвонлар селексиясидаги аҳамияти ва уни чорвачилик амалиётида қўллашни ўзлаштириши, ҳайвонларни ташқи ва ички тузилиши, ўсиш ва ривожланиши, маҳсулдорлиги, наслдорлик сифати бўйича баҳолаш, ҳайвонларни танлаш ва саралаш, чатиштириш ва дурагайлаш, биотехнологик усувлар ёрдамида ҳайвонлар маҳсулдорлигини ошириш ва наслдорлик сифатини яхшилаш каби билим ва кўникмаларга ега бўлади.

“Ҳайвонлар селексияси” фанининг ишчи ўқув дастури – давлат таълим стандарти ва фаннинг наъмунавий ўқув дастурида белгиланган, талабалар томонидан егалланиши лозим бўлган билим, кўникма, малака ва компетенцияларни шакллантиришни, ўқув жараёнини комплекс лойиҳалаш асосида кафолатланган натижаларни олишни, мустақил билим олиш ва ўрганишни ҳамда назоратни амалга оширишни таъминлайдиган, талабанинг ижодий қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув –услубий манбалар, дидактик воситалар ва материаллар, электрон таълим ресурслари, ўқитиши технологиясидан фойдаланиш, баҳолаш методлари ва мезонларини ўз ичига олади.

1.1. Фаннинг мақсади ва вазифалари

Фаннинг мақсади – Ўзбекистонда кенг тарқалган уй ҳайвонлари ва паррандаларининг келиб чиқиши ва ривожланиши, зот ва унинг ўзгаришига таъсир етувчи омиллар, ҳайвонларни танлаш ва саралаш тўғрисида назарий ва амалий билимларни беришdir.

Фаннинг вазифаси – ҳайвонлар селексиясидаги муҳим муаммоларни ҳал етиш, ҳайвонларни келиб чиқиши ва маҳсулот йўналишлари бўйича танлаш ва саралашнинг илғор усувларини ишлаб чиқаришга жорий етиш.

1.2. Фанни ўзлаштирган талабанинг малакавий даражалари

Фанни ўзлаштирган талаба:

- уй ҳайвонлари ва паррандаларининг келиб чиқиши;
- хонакилаштириш жараёнида ҳайвонлар хулқ-атвори, ташқи тузилиши ва маҳсулдорлигига юз берган ўзгаришлар;
- ҳайвонлар фенотипи ва генотипининг селексия белгилари билан боғлиқлиги ва аҳамияти;
- ҳайвон ва паррандаларнинг индивидуал ривожланиш қонуниятлари, унга таъсир етувчи омиллар ва бошқариш усувлари ҳақида **билиши керак**;

- зот тўғрисида тушунча, зотнинг структураси, классификацияси ва яратилиши;
- ҳайвонларни танлаш ва саралаш;
- ҳайвонлар селексиясида қўлланиладиган урчишиш усулларини ***билиши ва амалда қўллай олиши керак;***
- ирсият қонуниятларини ҳайвонлар селексиясида қўллаш;
- дурагайлаш, унинг салбий ва ижобий томонлари;
- ҳайвонлар селексиясида биотехнологик усуллардан фойдаланиш истиқболлари бўйича ***қўникма ва малакага ега бўлиши зарур.***

1.3. Фанни ўқитишида педагогик ва ахборот технологияларидан

фойдаланиш

Фанни ўқитишида талабаларнинг билимини рейтинг назорати тизимини қўллаб аниқлашга асосланган замонавий педагогик технологиялар қўлланилади. Талабаларга ушбу фанни ўқитишида компьютер технологиясидан, Интернет маълумотларидан маъруза материаллари сифатида, амалий машғулотларда ва ҳисоб-графика ишларини бажаришда, ҳамда тест саволлари тўпламидан фойдаланиш тавсия етилади.

“Ҳайвонлар селексияси” фанидан ўтиладиган мавзулар ва улар бўйича машғулот турларига ажратилган соатларнинг тақсимоти

	Фаннинг бўлими ва мавзуси, маъруза мазмуни	Соатлар			
		Жами	Маъруза	Амалий машғулот	Мустаки л таълим
1	Ҳайвонлар селексияси фанига кириши. Фаннинг мақсади ва вазифаси, ривожланиш тарихи ва бошқа фанлар билан боғликлigi. Ҳайвонлар селексиясида қўлланиладиган усуллар	6	2	-	4
2	Зот ва зот яратишни жараёни. Зот тўғрисида умумий тушунча. Зот яратишида инсоннинг фаолияти. Зотларнинг асосий хусусиятлари. Зот яратиш босқичлари. Зотларнинг ташки мухит шароитига мослашиши. Зотларнинг вужудга келиши ва маҳсулот йўналишига кўра классификацияси. Абориген, оралиқ ва маданийлаштирилган зотлар. Зотларнинг таркибий қисми: зот ичидаги типлар, линиялар, оилалар.	28	2	2	24
3	Ҳайвонларни танлаш ва саралаш. Танлаш ва саралаш тўғрисида тушунча. Танлаш усулларининг назарий асоси ва аҳамияти. Танлаш самарадорлигига таъсир етувчи омиллар. Ҳайвонларни келиб чиқишига кўра танлаш ва баҳолаш. Ҳайвонларни екстерери ва конституциясига кўра баҳолаш ва танлаш. Ҳайвонларни маҳсулдорлигига кўра танлаш ва	38	2	4	32

	баҳолаш. Ҳайвонларни авлодининг сифатига кўра баҳолаш ва танлаш. Саралаш ва унинг турлари. Танлаш ва саралаш жараёнининг ўзаро боғлиқлиги.				
4	<p>Ҳайвонлар селексиясида қўлланиладиган урчитиш усуllibari. Урчитиш усуllibарининг классификацияси: соф ҳолда урчитиш ва чатишириш.</p> <p>Соф ҳолда урчитишнинг асосий мақсади, аҳамияти ва қўлланилиши. Соф ҳолда урчитишнинг генетик моҳияти ва хусусияти. Инбридинг ва унинг салбий оқибатлари.</p> <p>Чатиширишнинг ҳайвонлар селексиясидаги аҳамияти. Чатиширишнинг биологик самарадорлиги.</p> <p>Чатишириш усули. Саноат мақсадида чатишириш усули. Усулнинг асосий мақсади ва қўлланилиши. Чатишириш учун зотларни танлаш ва унинг самарадорлиги.</p> <p>Галма-гал чатишириш усули. Унинг генетик хусусияти ва хўжалик аҳамияти. Ҳайвонлар селексиясида бу усулдан фойдаланиш қоидалари.</p> <p>Қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида чатишириш усули. Янги зот яратишда бу усулнинг генетик самарадорлиги ва аҳамияти. Унга таъсир етувчи омиллар. Бу усулнинг ижобий ва салбий томонлари.</p> <p>Қон қуийш мақсадида чатишириш усули. Унинг моҳияти ва хўжалик жиҳатидан аҳамияти.</p> <p>Янги зот яратиш мақсадида чатишириш усули. Бу усулнинг моҳияти ва аҳамияти. Усулнинг самарадорлигига таъсир етувчи омиллар.</p>	32	2	2	28
5	Ҳайвонлар селексиясида биотехнологик усуllibардан фойдаланиши. Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш усули ва унинг селексия самарадорлигини оширишдаги аҳамияти. Суперовуляция ва жинсий майилликни синхронлаштириш. Трансген ҳайвонлар. Ҳужайра ва ген инженерлиги усуllibаридан ҳайвонлар селексиясида фойдаланиш истиқболлари.	16	2	2	12
	Жами	120	10	10	100

2. Ўқув материаллари мазмуни

2.1. Маъруза машғулотлари мазмуни

2.1.1. Ҳайвонлар селексияси фанига кириши.(2 соат). Фаннинг мақсади ва вазифаси, ривожланиш тарихи ва бошқа фанлар билан боғлиқлиги. Ҳайвонлар селексияси фанида қўлланиладиган усуllibар [A1.3-5 ; A2.4-18; A4.3-16; K2.5-7]

2.1.2. Зот ва зот яратиш жараёни. (2 соат). Зот тўғрисида умумий тушунча. Зот яратишда инсоннинг фаолияти. Зотларнинг асосий хусусиятлари. Зот яратиш босқичлари. Зотларнинг ташқи муҳит шароитига мослашиши. Зотларнинг вужудга келиши ва маҳсулот йўналишига кўра классификацияси. Абориген, оралиқ ва маданийлаштирилган зотлар. Зотларнинг таркибий қисми: зот ичидаги типлар, линиялар, оиласлар. Янги зот, оила ва линиялар яратишда наслчилик хўжаликларининг тутган ўрни. [A3.5-12; A4.56-74; K1.6-103;].

2.1.3. Чорвачиликда наслчилик ишларини олиб бориш. Ҳайвонларни танлаш ва саралаш. (2 соат). Танлаш ва саралаш тўғрисида тушунча. Танлаш усулларининг назарий асоси ва аҳамияти. Танлаш самарадорлигига таъсир етувчи омиллар. Ҳайвонларни келиб чиқишига кўра танлаш ва баҳолаш. Ҳайвонларни екстерери ва конституциясига кўра баҳолаш ва танлаш. Ҳайвонларни маҳсулдорлигига кўра танлаш ва баҳолаш. Ҳайвонларни авлодининг сифатига кўра баҳолаш ва танлаш. Саралаш ва унинг турлари. Танлаш ва саралаш жараёнининг ўзаро бевосита боғлиқлиги. [A2.65-79; A3.50-53; A4.118-172; К3.5-54].

2.1.4. Ҳайвонлар селексиясида қўлланиладиган урчитии усуллари. (2 соат). Урчитиш усулларининг классификацияси: соф ҳолда урчитиш ва чатиштириш.

Соф ҳолда урчитишнинг асосий мақсади, аҳамияти ва қўлланилиши. Соф ҳолда урчитишнинг генетик моҳияти ва хусусияти. Инбридинг ва унинг салбий оқибатлари.

Чатиштиришнинг ҳайвонлар селексиясидаги аҳамияти ва биологик самарадорлиги.

Чатиштириш усуллари. Саноат мақсадида чатиштириш усули. Усулнинг асосий мақсади ва қўлланилиши. Чатиштириш учун зотларни танлаш ва унинг самарадорлиги.

Галма-гал чатиштириш усули. Унинг генетик хусусияти ва хўжалик аҳамияти. Ҳайвонлар селексиясида бу усулдан фойдаланиш қоидалари.

Қон сингдириш ёки зотни ўзгартириш мақсадида чатиштириш усули. Янги зот яратишда бу усулнинг генетик самарадорлиги ва аҳамияти. Унга таъсир етувчи омиллар. Бу усулнинг ижобий ва салбий томонлари.

Қон қўйиш мақсадида чатиштириш усули. Унинг моҳияти ва хўжалик аҳамияти.

Янги зот яратиш мақсадида чатиштириш усули. Бу усулнинг моҳияти ва аҳамияти. Усулнинг самарадорлигига таъсир етувчи омиллар.

Дурагайлашнинг хўжалик ва биологик аҳамияти. Сермаҳсул зот яратишда дурагайлашнинг тутган ўрни. Гетерозис ва уни ҳайвонлар селексиясида қўллаш. [A2.62-89; A4.134-172; ТҚ4. 45-51].

2.1.5. Ҳайвонлар селексиясида биотехнологик усуллардан фойдаланиши. (2 соат). Ҳайвонларни сунъий уруғлантириш усули ва унинг селексия самарадорлигини оширишдаги аҳамияти. Суперовуляция ва жинсий майилликни синхронлаштириш. Трансген ҳайвонлар. Ҳужайра ва ген инженерлиги усулларидан ҳайвонлар селексиясида фойдаланиш истиқболлари. [A1.105-118; К4.93-127;].

2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатмалар.

2.2.1. Ҳайвонларнинг экстерерини ўрганиш (2 соат). Ҳайвонларни муляж, фотосуратлар ва расмлар орқали гавда тузилишини ўрганиш.

Ҳайвонларнинг ташқи тузилишида учрайдиган асосий етишмовчилик ва камчиликларни аниқлаш. [A3.16-19; A3 24-28; A3.34-37; A4.38-41; K5.62-67].

2.2.2. Ҳайвонларни ташқи тузилишига кўра баҳолаш (2 соат).

Корамол, қўй, от, чўчқа каби қишлоқ хўжалик ҳайвонларининг тана қисмларини балл шкаласи асосида баҳолаш.

Ҳайвон танасининг айрим қисмларини ўлчаб, тана тузилишининг индексини ҳисоблаш. [A3.26; K5.67-68; K6.8—13;].

2.2.3. Ҳайвонларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганиш (2 соат).

Берилган жадвал маълумотлари, график ва диаграммалар асосида ҳайвонларнинг мутлак, кундалик ва нисбий ўсишини аниқлаш. [A3.5-7; A3.10-12; K1. 9 – 47;].

2.2.4. Ҳайволарни маҳсулдорлигига кўра баҳолаш (4 соат).

Корамолларни сут маҳсулдорлигига кўра баҳолаш.

Корамолларни гўшт маҳсулдорлигига кўра баҳолаш.

3. Мустақил таълимни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни

Талабаларнинг маъруза, амалий - лаборатория машғулотларига тайёрланиб келиши ва ўтилган материалларни мустақил ўзлаштиришлари учун маъруза матнлари ишлаб чиқилган, ҳар бир талаба ушбу материаллардан фойдаланиши тавсия еталади.

Талабанинг фанни мустақил тарзда қандай ўзлаштирганлиги жорий, оралиқ ва якуний назоратда ўз аксини топади. Шу сабабли рейтинг тизимида мустақил ишларга алоҳида балл ажратилмайди, улар ЖН, ОН ва ЯН лар таркибиға киритилган.

Мустақил таълим учун фан бўйича жами 100 соат ажратилган.

Ушбу соатлар тахминан қўйидаги тартибда тақсимланади:

- маъруза конспектини ва тавсия етилган адабиётларни ўқиб тайёрланиш – 64 соат.
- Амалий машғулотларига, коллоквиумга тайёргарлик кўриш, ҳисоботни тайёрлаш – 36 соат.

Амалий машғулотлар назария ва амалиётни боғловчи асосий бўғин ҳисобланади. Бунда талабаларнинг билимларини мустаҳкамлашда формула, график ва меъёрий ҳужжатлар билан ишлай олиш қўнималарини шакллантириш ва ривожлантиришда, ўлчаш хатоликларини баҳолай билиш каби амалий қўнималарни ҳосил қилиш муҳим рол ўйнайди.

Амалий машғулотларига талабалар мустақил ҳолда асосий дарслик, маъруза материаллари ва амалий машғулотлар учун белгиланган кўлланмалардан фойдаланиб, тайёргарлик кўришлари лозим.

Қолдирилган дарсларни топшириш учун талаба дарс материалыни тайёрлаб келиши ва ўқитувчининг оғзаки сұхбатидан ўтиши зарур. Қолдирилган ОН ва ЯН лар белгиланган тартиб бўйича топширилади.

Талабалар мустақил таълимининг мазмуни ва ҳажми (Маъруза, амалий машғулот)

Ишчи ўқув дастурининг мустақил таълимга оид бўлим ва мавзулари	Мустақил таълимга оид топшириқ ва тавсиялар	Бажарилиш муддатлари	Ҳажми (соатда)
Ҳайвонлар селексияси устида олиб борилган илмий ва амалий ишларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти.	Ҳ. Икрамов нинг «Чорвачилик» дарс лигидан “Чорвачиликнинг халқ-хўжа лигидаги аҳамияти (6-10 б.)ни ўқиб таҳлил қилиш	1- ҳафта	4
Уй ҳайвонларининг келиб чиқиши, хонакилаштирилиши ва еволюцияси.	Ҳ. Икрамов нинг «Чорвачилик» дарс лигидан “Қишлоқ хўжалик ҳайвонлари ва паррандаларининг келиб чиқиши ва ҳайвонларнинг хонакилаштирилиши (30-34 б.)ни ўқиб таҳлил қилиш	2- ҳафта	4
Ҳайвонларнинг индивидуал ривожланиши.	Ҳ. Икрамов нинг «Чорвачилик» дарс лигидан (37-40 б.)ни ўқиб таҳлил қилиш	2-ҳафта	4
Ҳайвон организмининг тузилиши ва функцияси.	Ҳ. Икрамов нинг «Чорвачилик» дарслигидан(И боб- Қишлоқ хо`жалик ҳайвонларининг анатомияси ва физиологияси 10-18 б.)ни ўқиб таҳлил қилиш ва тақдимот тайёрлаш	3 ҳафта	4
Ҳайвонлар ўсиши ва ривожланишининг асосий қонуниятлари.	Ҳ. Икрамов нинг «Чорвачилик» дарслигидан (Қишлоқ хо`жалик ҳайвонларининг индивидуал ривожланиши (34-37 б.) ўқиб таҳлил қилиш	3-ҳафта	4
Ҳайвонларнинг фенотипи ва генотипи.	Ҳ. Икрамов нинг «Чорвачилик» дарслигидан (Қишлоқ хо`жалик ҳайвонларининг индивидуал ривожланиши (38-41 б.) ўқиб таҳлил қилиш	4-ҳафта	4
Ҳайвонларни бонитировка қилиш тартиби ва қоидалари.	Ҳ. Икрамов нинг «Чорвачилик» дарслигидан Қишлоқ хожалик ҳайвонларининг екстеръери ва уни баҳолаш мавзулари(39-40 б.) ни ўқиб таҳлил қилиш	5 ҳафта	4
Қорамолларни урчитиш усуслари ва селексия-наслчилик ишлари.	Ҳ. Икрамов нинг «Чорвачилик» дарслигидан ”Қорамолчилик”(43-52 б.)ни ўқиб таҳлил қилиш	6- ҳафта	4
Қўйларни урчитиш ва кўпайтириш асослари.	Ҳ.Икрамовнинг “Чорвачилик” дарслигидан “ВИИ боб, 94-117 б. ўқиб таҳлил қилинг ва тақдимот тайёрланг	6- ҳафта	4

Парранда зотлари ва парранда селексиясидаги асосий йўналишлар.	Ҳ.Икромовнинг “Чорвачилик” дарслигидан “О’збекистонда раёнлаштирилган парранда зотлари мавзусини (126-132 б.) ўқиб таҳлил қилиш.	7- ҳафта	4
От зотлари ва отларни маҳсулот йўналишига кўра танлаш.	Ҳ.Икромовнинг “Чорвачилик” дарслигидан “Йилқичилик –133-138 б. ўқиб таҳлил қилиш ва тақдимот тайёрланг	8- ҳафта	4
Қуён зотлари ва қуёнчиликда селексия ишлари олиб бориш.	Ҳ.Икромовнинг “Чорвачилик” дарслигидан “Қуёнчилик мавзусини –147-151 б. ўқиб таҳлил қилиш.	9-ҳафта	4
Гетерозис ва уни ҳайвонлар селексиясида қўллаш бўйича тажрибалар	Ҳ.Икромовнинг “Чорвачилик” дарслигидан “В боб, 46-49 б. ўқиб таҳлил қилинг ва тақдимот тайёрланг	10- ҳафта	4
Иммуногенетик назорат усулларидан ҳайвонлар селексияси амалиётида фойдаланиш	Н.Т.Шевченконинг “Организация племенной работы в животноводстве” китобидан 41-47 бетларни ўқиб таҳлил қилинг ва реферат тайёрланг	11- ҳафта	4
Трансген ва трансплантант ҳайвонлар ҳамда улардан селексияда фойдаланиш истиқболлари	В.И Артомоновнинг “Биотехнология-агропромышленному комплексу” китобидан 41-47 бетларни ўқиб таҳлил қилинг ва реферат тайёрланг	12- ҳафта	4
Ирсият қонуниятларини ҳайвонлар селексиясида қўллаш.	Т.Турдиқуловнинг “Ҳайвонлар селексияси фанидан ўқув-услубий мажмуя” сидан 72-74 бетларни ўқиб таҳлил қилинг ва реферат тайёрланг.	13- ҳафта	4
Ҳайвонларни ташки тузилишига кўра баҳолаш	Ҳ. Икрамовнинг «Чорвачилик» дарслигидан Қишлоқ хожалик ҳайвонларининг екстеръери ва уни баҳолаш мавзулари(39-40 б.) ни ўқиб таҳлил қилиш	2- ҳафта	4
Ҳайвонларни интерьер кўрсаткичлари асосида баҳолаш.	Ҳ. Икрамовнинг «Чорвачилик» дарслигидан Қишлоқ хожалик ҳайвонларининг интерери мавзусини(40 б.) ни ўқиб таҳлил қилиш	3- ҳафта	4
Кўйларни жун маҳсулдорлигига кўра баҳолаш ва танлаш	Ҳ.Икромовнинг “Чорвачилик” дарслигидан “ВИИ боб, 111-123 б. ўқиб таҳлил қилинг	4- ҳафта	4
Товуқларни тухум маҳсулдорлигига кўра баҳолаш	Ҳ.Икромовнинг “Чорвачилик” дарслигидан “ИХ боб, 142-148 б. ўқиб таҳлил қилинг	5- ҳафта	4
Отларни ишчанлик сифатига кўра баҳолаш.	Ҳ.Икромовнинг “Чорвачилик” дарслигидан “Йилқичилик –156-160 б. ўқиб таҳлил қилинг	9- ҳафта	4
Ҳайвонларни наслининг сифатига кўра баҳолаш.	Ҳ.Икромовнинг “Чорвачилик” дарслигидан 45-бет ва Бориснеко Е.ЖЛ Практикум по разведению сельскохозяйственных животных, М Колос, 2012, 289 б. ўқиб таҳлил қилинг	14- ҳафта	4

Линиялар схемасини тузиш ва унинг таҳлили	Ҳ.Икромовнинг “Қорамолчилик ва сутчилик асослари” дарслигидан 137-бет ва Бориснеко Е.ЖЛ Практикум по разведению сельскохозяйственных животных, М Колос, 2012, 289 б. ўқиб таҳлил қилинг	15- ҳафта	4
Популяциянинг геналогик таҳлили	Ҳ.Икромовнинг “Қорамолчилик ва сутчилик асослари” дарслигидан 130-132 бетлар ва Бориснеко Е.ЖЛ Практикум по разведению сельскохозяйственных животных, М Колос, 2012, 289 б. ўқиб таҳлил қилинг	16- ҳафта	4
Чатиштириш ва дурагайлашда ирсий белгиларнинг наслдан-наслга ўтиши.	Ҳ.Икромовнинг “Қорамолчилик ва сутчилик асослари” дарслигидан 49-52 бетлар ва Бориснеко Е.ЖЛ Практикум по разведению сельскохозяйственных животных, М Колос, 2012, 289 б. ўқиб таҳлил қилинг	17-18 ҳафталар	4

4. Рейтинг баҳолаш тизими

4.1. Рейтинг назорати жадвали

Назорат тури	Рейтинг баҳолашлар		Жами	Саралаш бали
	1	2		
ЖН (40 %) шу жумладан	20	20	40	22
ЖН (амалий машғулот)	20	20	40	22
ОН (30 %)		30	30	17
ЯН (30 %)			30	17
Жами:			100	55

Баҳо	5	4	3	2
Рейтинг	86-100	71-85	55-70	< 55
Фанни ўзлаштириш кўрсаткичлари	103-120	85-102	66-84	<65

Еслатма: “Ҳайвонлар селекцияси” фанининг ўқув ҳажми 96 соатни ташкил этиб, фан коефиценти 0.96 бўлади. Фан бўйича ўзлаштиришни аниқлашда талаба тўплаган бали 0,96 га кўпайтирилди ва бутунгача яхлитлаб олинади.

4.2. ЖНни баҳолаш мезонлари

Ҳайвонлар селекцияси фани бўйича жорий баҳолаш талабанинг маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларидағи ўзлаштиришини аниқлаш учун қўлланилди. ЖН маърузалар бўйича сўров ўтказиш, савол ва жавоб шаклларида амалга оширилди. ЖН ҳар бир амалий ва лаборатория

машғулотларида сўров ўтказиш, лаборатория ишларини бажариш, савол ва жавоб, сухбат, ҳамда ҳисбот топшириш каби шаклларда амалга оширилади. Талабага ЖН да бутун баллар қўйилади.

КУЗГИ СЕМЕСТР

№		Сентябр		Октябр		Ноябр		Декабр		Январ																																
		1	2 - 5	2	7 - 12	3	14 - 19	4	21 - 26	5	28 - 3	6	5 - 10	7	12 - 17	8	19 - 24	9	26 - 31	10	2 - 7	11	9 - 14	12	16 - 21	13	23 - 28	14	30 - 5	15	7 - 12	16	14 - 19	17	21 - 26	18	28 - 9	19	11 - 16	20	18 - 23	21
1	ЖН 40%	Маъруза.			1					1					1					1									1					5								
		Мустақил таълим			2		2		2							3																		12								
		Амалиёт			1				1					1						1		1												5								
		Мустақил таълим			3		4			3			4					4																18								
2	ОН 30%																																	15								
		Мустақил таълим																																15								
3	ЯН – 30%																																	30								
	Жами				13					13																						44		30		100						
	Жами Гп бўйича				13					17																							70		30		100					

Талабанинг маъруза машғулотларни ўзлаштириш даражаси қўйидаги мезон асосида аниқланади

Баҳолаш кўрсат-кичи	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали
Аъло, 86-100%	Етарли назарий билимга ега. Мустақил иш топширикларини бажарган ва намунали расмийлаштирган. Берилган саволларга тўлиқ жавоб беради. Масаланинг моҳиятига тўлиқ тушунади. Аудиторияда фаол. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қиласди.	4
Яхши, 71-85%	Етарли назарий билимга ега. Мустақил иш топширикларини бажарган. Берилган саволларга етарли жавоб беради. Масаланинг моҳиятини тушунади. Ўқув тартиб интизомига тўлиқ риоя қиласди.	3
Қониқарли 55-70%	ТМИ топширикларини ечишга ҳаракат қиласди. Берилган саволларга жавоб беришга ҳаракат қиласди. Масаланинг моҳиятини чала тушунган. Ўқув тартиб интизомига риоя қиласди.	2
Қониқарсиз 0-54%	Талаба маъруза дарсига назарий тайёрланиб келмаса, мавзу бўйича саволларга жавоб бера олмаса, дарсга суст қатнашса билим даражаси қониқарсиз баҳоланади	1

Талабанинг амалий машғулотларни ўзлаштириш даражаси қўйидаги мезон асосида аниқланади

Баҳолаш кўрсат-кичи	Баҳолаш мезонлари	рейтинг бали

Аъло, 86-100 %	Амалий машғулот мавзусининг назарий асослари бўйича мукаммал билимга ега. Амалий машғулотларини ижодий ёндошган ҳолда тушинтиради. Ҳисоблашларни мустақил равишда амалга оширади. Амалий машғулотларини мустақил бажара олади. Олган натижаларни мустақил таҳлил қиласи. Ҳисобот тўлиқ расмийлаштирилган. Олинган натижалар тўғри ва аниқ таҳлил килинган.	2,2-2,5
Яхши, 71-85%	Амалий машғулотлари мавзусининг назарий асослари бўйича етарли билимга ега. Амалий машғулотларини мазмунини яхши тушунади. Ҳисоблаш ишларини бажарган. Амалий машғулотларини кўрсатма бўйича бажариб, олган натижаларни тушунтира олади. Ҳисобот яхши расмийлаштирилган. Олинган натижалар таҳлил қилинган ва тўғри.	1,8-2,1
Қониқа рли, 55-70%	Амалий машғулотлари мавзусининг назарий асослари бўйича билими кам. Амалий машғулотлари мазмунини билади. Ҳисоблаш ишларини бажарган. Ҳисобот расмийлаштирилган. Олинган натижалар тўғри.	1,4-1,7
Қони қарсиз 0-54%	Талаба фмалий машғулотлари бўйича колеквиум топшира олмаса, тайёрланмаган бўлса амалий машғулотларини бажаришга рухсат берилмайди, талабани билим даражаси қоникарсиз баҳоланади.	0-1,3

4.3. ОНни баҳолаш

Оралиқ назорат “Хайвонлар селексияси” фанининг бир неча мавзуларини қамраб олган бўлими бўйича, тегишли назарий ва амалий машғулотлари ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг тегишли саволларни билиши ёки муаммоларни ечиш кўникумлари ва малакалари аниқланади. Ўқув семестри давомида 1-та ОН ўтказиш режалаштирилган бўлиб, жами 30 балдан иборат. ОН назорат ишлари ёзма иш ва тест усулида ўтказилиши назарда тутилган, ёзма иш ва тест соволлари ишчи ўқув дастур асосида тайёрланади. ОН га ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирумagan ҳисобланади. ОН ни ўзлаштирумagan талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ОН бўйича олинадиган тестлар кафедра мудири раҳбарлигида ташкил етилади ва кафедрада ўқув йилининг охиригача сақланади.

4.4. ЯНни баҳолаш

Якуний назорат “Хайвонлар селексияси” фанининг барча мавзуларини қамраб олган бўлиб, назарий ва амалий машғулотлари ўтиб бўлингандан сўнг ёзма равишда амалга оширилади. Бундан мақсад талабаларнинг фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичлари, яъни билим даражаси ёки муаммоларни ечиш кўникумлари ва малакалари аниқланади. ЯН назорат ишлари тест усулида ҳам ўтказилиши назарда тутилган, тест соволлари ишчи ўқув дастури асосида тайёрланади. ОН ва ЖН арга ажратилган баллдан 55% дан паст балл тўплаган талаба ўзлаштирумagan ҳисобланади ва ЯНга киритилмайди. ЯНни ўзлаштирумagan талабаларга қайта топшириш имконияти берилади. ЯН бўйича олинадиган ёзма иш варианtlари кафедра мудири раҳбарлигида тузилади ва деканатга топширилади.

Тест усулида ЯНни баҳолаш мезонлари:

ЯН тест шаклида ўтказилади ва талабанинг жавоблари 30 баллик тизимда баҳоланади. Бунда тестга ажратилган 30 балл 30 саволлар сонига бўлинниб, бир

саволга қўйиладиган балл топилади (1 балл) уни тўғри жавоблар сонига кўпайтириб, талабанинг ЯН да тўплаган баллари аниқланади.

5. ИНФОРМАТСИОН-УСЛУБИЙ ТАЪМИНОТ

5.1. АСОСИЙ АДАБИЙОТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутубхонада мавжуд нусхаси
1.	Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асослари. Тошкент, “Ношир” 2010, 223 б.	10
2.	Абдолниёзов Б.О. Чорвачилик асосларидан амалий машғулотлар. Урганч, 2010, 88 б.(Ўкув қўлланма).	10
3.	Икрамов Т.Х. – Чорвачилик асослари. Дарслик. О`қитувчи, 1996.	5
4.	Акмалхонов Т.Ш., Исамухъаммедов С.Ш., Қаҳрамонов Б.А. Чорвачилик (Услубий қўлланма). Тошкент, ТДАУ, 2000, 23 б.	2
5.	До`стқулов С. Ва бошқалар. Чорва молларини урчиши. Қо`лланма. «Меҳнат», 1993	4
6.	Исломxo`жаев, Бобоев К., Г`уломов К. Паррандачиликдан амалий машғ`улотлар. Т. «О`збекистон», 1996.	8

5.2. ҚўШИМЧА АДАБИЙОТЛАР

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутубхонада мавжуд
1.	И.Эшматов Наслчилик субъектларида ҳисоб-китоб ҳужжатларини юритиш бўйича қўлланма. Тошкент, 2011, 18 б.	2
2.	Юсупов Ю.Б., Лерман Ц., Чертовицкий А.С. ва бошқалар. Ўзбекистонда чорвачилик. Қўлланма. Тошкент, “Насаф” нашриёти, 2010 й, 154 б.	2
3	Сут ва сут-гўшт йўналишидаги қорамоллар бонитировкаси тўғрисида вақтинча кўрсатма. Тошкент, 1992, 18 б.	3
4	Артамонов В.И.: Биотехнология-агропромышленному комплексу. –Москва, “Наука” 1989. – 160 с.	5

5.3. ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН ҚўШИМЧА АДАБИЁТЛАР ВА АХБОРОТ МАНБАЛАРИ

№	Муаллиф, адабиёт номи, тури, нашриёт, йили, хажми	Кутубхонада мавжуд нусхаси
1.	Икрамов Т.Х. – Қорамолчилик ва сутчилик асослари. Т. Ўқбтuvчи, 1989, 248 б.	1
2.	Турдиқулов Т. – Чорвачилик асослари фанидан ўкув услубий мажмуа. Уулистон, 2013, 132 б	10
3.	Носиров У ва б. “Фермер бўламан” Т. “Меҳнат”2002 й -956	2
4.	Ҳошимов Н., Қўзийев И. Мол бокқан бой бўлур. Фарғона, 2007, 84 б.	1
5.	Зокиров М ва б. - Қорақўлчилик. Т. Ўқбтuvчи, 1983, 302 б.	1
6.	Шевченко Н.Т. Организация племенной работы в животноводстве. М., Россельхозиздат, 2001. – 104 с.	1

Ишчи ўқув дастурга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида
_____ ўқув йили учун ишчи ўқув дастурига қуидаги
ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда:

Ўзгартириш ва қўшимчаларни киритувчилар:

_____ (профессор-ўқитувчининг И.Ф.О.)
(имзоси)

Ишчи ўқув дастурга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар “Табиий фанлар” факултети Илмий-услубий Кенгашида муҳокама етилди ва маъқулланди (_____ йил “___” _____даги “___” - сонли баённома).

Факултет Илмий-услубий
Кенгashi раиси:

А. Юлдашов

Тарқатма материаллар.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА
ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИЛДИ**

2014 йил 9 апрель

2574 - сон

**Ўзбекистон Республикаси
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**

**“Насллии маҳсулот (материал) бонитировкасини
ўтказиш тартиби ва шартлари тўғрисидаги низомни
тасдиқлаш ҳақида”**

Б У Й Р У Қ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ БҮЙРУГИ
НАСЛЛИ МАҲСУЛОТ (МАТЕРИАЛ) БОНИТИРОВКАСИНИ
ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ ВА ШАРТЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ
ТАСДИҚЛАШ ҲАҚИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2014 й., 15-сон,
174-модда)

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2014 йил 9
апрелда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат раками 2574]

Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Конуни
(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й.,
12-сон, 255-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
15 июлдаги ПҚ-2003-сонли «Конунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга
оширишга қаратилган норматив - хуқуқий ва бошқа хужжатларни ишлаб
чикиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги карорига (Ўзбекистон
Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда)
Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2013 й., 29-сон, 373-модда)
мувофик буюраман:

1. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низом иловага мувофик тасдиқлансан.
2. Мазкур бўйрук расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга
киради.

Вазир

Тошкент ш.,
2014 йил 10 март,
56-сон

Ш.ТЕШАЕВ

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва
сув хўжалиги вазирининг 2014 йил
10 марта 56-сон буйргуга
ИЛОВА

**Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Наслчилик тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил
15 июлдаги ПҚ-2003-сонли «Конунларнинг ҳаволаки нормаларини амалга
оширишга қаратилган норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатларни ишлаб
чикиш режаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги карорига мувофик наслли
маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш тартиби ва шартларини
белгилайди.

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар кўлланилади:

Бонитировка - ҳайвонларнинг наслдорлик ва маҳсулдорлик
сифатларини баҳолаш;

наслли маҳсулот (материал) - наслдор ҳайвон, унинг уруғи ва
эмбрионлари, наслдор тухум, ипак курти уруғи;

наслчилик ишлари бўйича зоотехник (бонитёр) - селекция
максадида наслдор ҳайвонларни урчтиши, наслли маҳсулот (материал)
етиштириш ва ундан фойдаланиш бўйича маҳсус билимга эга бўлган
мутахассис;

наслчилик субъектлари - наслчилик иши билан шуғулланувчи
илмий-тадқиқот муассасалари, корхоналар ва хўжаликлар, селекция
марказлари, ипподромлар, иммуногенетик назорат лабораториялари, назорат-
синов станциялари, эмбрионларни кўчириб ўтказиш (трансплантация)
марказлари ҳамда бошқа юридик ва жисмоний шахслар - наслли маҳсулот
эгалари;

класс - қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини баҳолаш натижаси билан
белгиланадиган тоифа;

лактация даври - қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг сут бериш
даври;

сервис даври - қишлоқ хўжалиги ҳайвони туккан даврдан тўлиқ
кочган давргача бўлган муддат;

экстерьер - ҳайвоннинг ташки тана тузилиши.

2. Бонитировка қишлоқ хўжалиги ҳайвонларининг насл ва
маҳсулдорлик сифатларини баҳолаб, улардан келгусида наслчилик ишларида
фойдаланиш максадида ўтказилади.

3. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкаси наслчилик ишлари
бўйича зоотехник (бонитёр) томонидан ўтказилади. Агар наслчилик

субъектида наслчиллик ишлари бўйича зоотехник (бонитёр) бўлмаса, ушбу мутахассис шартнома асосида четдан жалб қилиниши мумкин.

4. Наслчиллик субъектларидаги наслли маҳсулотлар (материаллар) ҳар иили бонитировкадан ўтказилади. Бунда ўтган йилнинг 1 октябрь кунидан жорий йилнинг 30 сентябрь кунигача бўлган вақт бонитировка ўтказиш даври ҳисобланади.

Наслчиллик субъекти ўз ихтиёрига асосан наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини мазкур Низомда белгиланган тартибда бир йил давомида тақороран ўтказишга ҳақли.

5. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкаси ҳар бир наслдор хайвон тури бўйича алоҳида-алоҳида ўтказилади.

2 - боб. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказишга тайёргарлик қўриш

6. Наслчиллик субъектлари томонидан ҳар йили келгуси йил учун наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини амалга ошириш режаси ишлаб чиқилиши лозим. Бунда четдан жалб қилинадиган мутахассис наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини амалга ошириш режаси билан олдиндан таниширилиши керак.

7. Наслчиллик субъектларининг мурожаатига асосан, худудий чорвачиликда наслчиллик ишлари давлат инспекциялари наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини амалга ошириш режасини ишлаб чиқишида ва четдан мутахассис жалб қилишда наслчиллик субъектларига кўмаклашадилар.

8. Наслчиллик субъектлари наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини амалга ошириш учун зарур ахборотга, хусусан, наслдор хайвоннинг келиб чиқиши, маҳсулдорлиги ва бошқа сифатларини тасдиқловчи ҳужжатларга эга бўлишлари, шунингдек наслчиллик соҳасидаги янгиликларни мунтазам равишда ўрганиб, таҳлил қилиб боришлари керак.

3-боб. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиши

9. Бонитировка ўтказишида қишлоқ ҳўялиги хайвонларининг экстеръери, гавда тузилиши, ривожланиши, маҳсулдорлиги, келиб чиқиши, авлод-ажоддодларининг насл ва маҳсулдорлик сифатлари каби белгилари баҳоланади.

10. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказишида наслнинг генетик келиб чиқиши (генотипи) хисобга олинади.

11. Наслчиллик субъекти раҳбари наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлаши зарур.

12. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказишида наслчиллик ишлари бўйича зоотехник (бонитёр) куйидагилар учун масъул хисобланади:

бонитировка ишларининг аниқ, тўлиқ ва сифатли ўтказиш; наслли маҳсулот (материал) классларини аниқлаш ва уларни гурухларга ажратиш;

бонитировка натижаси бўйича ҳужжатларни тайёрлаш;

бонитировка натижаси бўйича тайёрланган ҳужжатларни наслчиллик субъекти раҳбарига топшириш.

13. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиша корамоллар мазкур Низомнинг 1 - 12-иловаларида, қўйлар 13 - 21-иловаларида, эчкилар 22 - 24-иловаларида, отлар 25 - 36 а - иловаларида, паррандалар 37 - 46-иловаларида, асаларилар 47 - 49 - иловаларида, күёнлар 50 - 57 - иловаларида, баликлар 58 - 61 - иловаларида, ипак куртлари 62 - 66 - иловаларида белгиланган шартлар бўйича баҳоланади.

14. Мазкур Низомнинг 14 - бандида назарда тутилмаган наслли маҳсулот (материал) бонитировкаси тегишили наслли маҳсулот (материал) зотига кўйилган минимал талаблар асосида ўтказилади.

15. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиши билан боғлиқ харажатлар наслчиллик субъекти томонидан молиялаштирилади.

16. Наслчиллик субъектида ўтказилган наслли маҳсулот (материал) бонитировкасини ўтказиш якуни бўйича маълумотнома тузилади.

17. Наслли маҳсулот (материал) бонитировкаси натижалари бўйича маълумотномадан селекция - наслчиллик ишларида фойдаланилади.

4 - боб. Якуний қоида

18. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўгрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Зотлар бўйича сут йўналишидаги сигирларни баҳолашда хисобга олинадиган минимал

КЎРСАТКИЧЛАР

(I, II, III ва ундан кейинги лактация даврлари бўйича ҳисобланади)

Зоти	305 кунлик лактация даврида соғилган сут, кг			Сут таркибидаги ёғ ва оқсил, %		305 кунлик лактация даврида соғилган сут таркибидаги ёғ миқдори, кг			305 кунлик лактация даврида соғилган сут оқсил миқдори, кг		
	I	II	III ва ундан ортиқ	ёғ	оқсил	I	II	III ва ундан ортиқ	I	II	III ва ундан ортиқ
Қора-ола	3500	3800	4200	3,6	3,2	126	137	151	112	121	134
Голштин	4100	4500	5000	3,6	3,2	147	162	180	131	144	160

Қизил чүл	3100	3500	3800	3,7	3,3	115	130	141	102	115	125
Швиц	3000	3300	3500	3,8	3,4	114	125	133	102	112	119
Бушуев	2700	2900	3100	4,0	3,5	108	116	124	95	101	108

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Буқача ва наслли буқаларни экстеръери бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ**

T/p	БАҲОЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИ	Энг юкори балл	Умумий баҳолашдаги улуси
	Умумий кўриниши (ривожланиши)	100	0,25
1.	Тана тузилиши гармоник, мутаносиб		
	Зот типига хос яхши кўринишга ва жинсий диморфизмга эга		
	Туриши тетик, танасининг барча қисмлари нуксонсиз		
	Суяклари мустаҳкам, дағал эмас, боши ва оёклари енгил		
	Сон ва ягринида ортиқча гўшт қоплами йўқ		
	Танасининг хажми	100	0,20
2.	Баландлиги етарлича		
	Танасининг ўрта қисми чукур ва узун, аммо кенг эмас, ковургалари узун, улар эрги ҳолатда пастга ва орқага йўналган, кураги узун эрги ҳолатда, пастга ва олдинга йўналган		
	Сут белгилари	100	0,20
3.	Танаси бурчаксимон, бўшлик ва дағаллик белгилари йўқ		
	Боши курук, кўзлари чакнаган ва қулоклари ҳаракатчан		
	Бўйни етарлича узунлиқда, ўртacha ёлларга эга ва овқатни ошқозонга ўтиш йўли аниқ кўринади		
	Ягрини яхши ифодаланган, кенг эмас		
	Орқа қисми текис		
	Қовургалари кенг ва кенг жойлашган		

	Кураги кўкрак қафасига зич бириккан		
	Оч бикини чукур, аник ифодаланган		
	Териси юпка, майин, серҳаракат		
	Жун қоплами майин ва сиљик		
	Танасининг орқа қисми	100	0,15
	Бели текис, тор ва кенг		
	Сагри узун, кенг, бироз орқага эгилган		
4.	Тос-сон бирикмалари, орқа дўнг суяқ эни баландлиги даражасидан бироз пастда, лекин ўтиргич тепалигидан юкорида жойлашган		
	Думи узун ва ингичка, унинг илдизи орқа дўнг суяқ эни даражасида жойлашган		
	Ургудонлари яхши ривожланган		
	Оёқларининг сифати	100	0,20
	Оёқлари мустаҳкам, ингичка ва дағал эмас		
5.	Сакраш бўғинлари яхши ифодаланган, курук		
	Түёкларнинг олдинги деворлари 45° бурчакда эгилган, олд деворлари баланд, товони текис		
	Жами:	100	1,00

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

Зотлар бўйича ёш буқачалар ва наслдор буқаларнинг тирик вазнини баҳолашда ҳисобга олинадиган минимал

**КЎРСАТКИЧЛАР
(ёши бўйича ҳисобланади)**

Зоти	Тирик вазни (кг)												
	10 ой	11 ой	12 ой	13 ой	14 ой	15 ой	16 ой	17 ой	18 ой	24 ой	3 ёш	4 ёш	5 ва ундан юкори ёш
Қора-ола	280	305	330	355	380	405	430	455	480	575	730	820	880
Голштин	290	315	340	365	390	415	440	465	490	585	750	840	900
Қизил чўл	260	280	300	325	350	375	400	425	445	525	650	730	800
Швиц	290	315	340	365	390	415	440	465	490	585	740	830	900
Бушуев	225	245	260	280	300	320	335	355	375	450	610	670	750

Наслли маҳсулот (материал)
бонитировкасини ўтказиш тартиби ва
шартлари тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

Сигирларни эктеръери бўйича баҳолаш
ЖАДВАЛИ

T/p	Баҳолаш кўрсаткичлари	Энг юкори баҳо (балл)	Умумий баҳодаги саломги
	Танасининг ҳажми	100	0,10
1.	Танасининг ўтра қисми сигирнинг баландлигига нисбатан узунрок, унинг ҳажми, мустахкамлиги ва кучи кўзга ташланади		
	Кураги узун ва чукур, кўкрак қафаси ва ягринга нисбатан текис жойлашган		
	Кўкрак қафаси чукур ва кенг, унинг олдинги ковурғалари бўртиб чиккан		
	Кўкрак асоси кенг ва оёкларига нисбатан етарли масофада		
	Кўкрак ҳажми катта ва тўлиқ		
	Орка қисми кучли ва тўғри		
	Бели кенг ва текис		
	Ўтра қисми бочкасимон шаклда		
	Ковурғалари узун, чукур ва кенг		
	Сагри узун ва кенг		
	Орка дўнг суклари кенг ва яққол ифодаланган		
	Ўтиргич суклари ва дўнги кенг жойлашган		
	Тос-сон бирикмалари орка дўнг сук эни ва ўтиргич дўнги марказидан баланд ва кенг жойлашган		
	Сут типининг ифодаланганилиги	100	0,15
2.	Танасининг шакли бурчаксимон, унда бўшлиқ ва дагаллик белгилари йўқ		
	Боши курук, кўзлари катта ва чакнаган, кулоклари серхаракат		
	Бўйни узун ва ингичка		
	Ягрини яхши ифодаланган		

	Умурткалари курук ва яккол ифодаланган		
	Ковурғалари қайишган, яssi, узун, эгилган ва кенг жойлашган		
	Оч бикини чукур ва аниқ ифодаланган		
	Орка дўнг сук эни ва ўтиргич дўнги кенг жойлашган, курук		
	Орка сонлари бирмунча кенг кўйилган ва бирикишида елин учун етарли бўшлиқ мавжуд		
	Оёқ суклари текис, мустахкам, дагал эмас		
	Елини ҳажмдор, косасимон шаклда, танага мустахкам жойлашган, соғилгандан кейин яхши бўшаб қолади		
	Териси бўш, майнин, серхаракат		
	Жун қоплами майнин, ялтироқ		
	Оёкларининг сифати	100	0,15
3.	Туёқлари қисқа, думалоксимон, уларнинг орка девори чукур, товони текис, бақайлари кучли, ўртача узунликда		
	Олдинги оёклари тўғри ва кенг жойлашган, туёқлари тик		
	Орка оёклари перпендикуляр шаклда, ёнидан карапланда сакраш бўғинигача тўғри кўйилган ва оркасидан карапланда кенг жойлашган		
	Сакраш бўғинлари аниқ ифодаланган, яхши шаклда, дагал эмас, курук. Суклари текис, кучли, мустахкам, пайлари яхши сезилади		
	Елинининг сифати	100	0,40
	Елини симметрик, узун, кенг ва чукур, ён томонидан қисмларга ажралганлиги кўзга ташланади, танасига нисбатан горизонтал холатда жойлашган		
	Елинининг марказий қисми танаси билан яхши боғланган, кучли ривожланган, елин сакраш бўғимларидан юкорида куладай жойлашган		
	Елин тузилиши юмшоқ, эластик, соғиб бўлнигандан кейин дарров бўш холатга келади		
	Елинининг олдинги қисмлари мустахкам, узун, кенг ва танага текис жойлашган		
	Елинининг орка қисмлари танага зич бириккан, улар чукур ва кенг, сакраш бўғимларидан юкорида ва олдинги қисмлари билан бир хил дараражада жойлашган		
	Сўргичлар бир хил ўлчамда, ўртача узунликда ва диаметрда, цилиндрисимон шаклда, бир-биридан ўртача масофада жойлашган		

Сут веналари узун, шохланган шаклда кўзга ташланади		
Умумий кўриниши (зот типига хослиги инобатга олинади)	100	0,20
Мускуллари яхши ривожланган, она молларга хос кучли		
Бўйи баланд, оёклари ўртача, танаси чўзиқ		
Боши нисбатан куруқ, танасига мутаносиб, бурун ойнаси кенг ва тешниклари ийрик, жаглари мустаҳкам, кўзлари катта, пешонаси дўйнг ва кенг, кулоклари ўртача ва серхаракат		
Бўйни узун ва нисбатан ингичка, томоклари ва кўкрак ости кисми яхши ифодаланган		
Танасининг олдинги кисми — гавда тузилиши мустаҳкам ва сут маҳсулдорлик йўналишидаги зотларга хос		
Ягрини яхши ифодаланган, ўткир кўринишида, умуртка асоси курагига бириккан		
Кураклари зич бириккан ва кўкрак кисмига бир текис жойлашган		
Кўкраги чукур ва кенг, умуртқалари аниқ ифодаланган		
Ковургалари кенг жойлашган, суяклари кенг, ясси, узун. Оч бикинидаги чукурлик аниқ ифодаланган		
Орқа кисми текис, бели кенг ва текис		
Сагри узун, кенг ва текис		
Орқа дўйнг сувак эни кенг, кўзга яхши ташланади, бўртиб чиқмаган		
Ўтиргич дўнги кенг, куруқ, ёғ ва гўшт тўқималари тўпланишмаган		
Тос-сон бирикмалари орқа дўйнг сувак эни марказида баланд ва кенг жойлашган. Сонлари кенг жойлашган ва улар елин учун етарли бўшлиқни таъминлайди		
Думинини негизи орқа чизиги билан бир хил даражада жойлашган, дагал эмас. Думи ингичка		
Олдинги оёклари ўртача узунликда, тик ҳолатда ва кенг кўйилган		
Орқа оёклари ён томонидан каралганда перпендикуляр ва орқадан каралганда тик ҳолатда кўринади		
Сакраш бўгинлари аниқ ифодаланган, дагал эмас, куруқ		
Туёқчалари мустаҳкам, ўртача узунликда		
Туёқлари киска ва думалоқсимон, уларнинг орқа девори баланд ва товони текис		

5.

